Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 104 (6. 295) 1987 йил 6 май, чоршанба Баҳоси 3 тийин

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

Икки йиллик план — Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига!

Ютуқларимиз мустаҳкамланади

Меҳнат коллективлари Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига қизғин тайёргарлик кўраётган шу кеча-кундузда қувончимиз устига яна бир қувонч қўшилди.

СССР Газ саноати министрлигининг «Союзгазавтоматика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналари ўртасидаги беллашувда дастлабки квартал якунига кўра иккинчи ўринни эгалладик. Бундан бир неча кун илгари эса Акмал Икромов райони саноат корхоналари ўртасида юқори кўрсаткичларга эришганлигимиз туфайли район партия комитетн ва халқ депутатлари райои Совети ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритишга муваффақ бўлгандик. Заводимиз ишчилари меҳнатига берилган муносиб баҳо бизни янада самарали ишлашга, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига зиммамизга қабул қилган социалистик мажбуриятларни пухта уддаланишини таъминлашга руҳлантиримоқда.

Ҳақиқатан ҳам заводимизда ўн иккинчи беш йилликнинг иккинчи йили меҳнат кўтаринкилиги билан бошланди. Унлаб ишлаб чиқариш илғорлари ва ўз касбининг усталари икки йиллик топшириқни 7 ноябрга қадар адо этиш мақсадида зарбдор вахтада туриб ишлашга киришдилар. Ҳар бир цех ва ишлаб чиқариш участкаларида ўзаро меҳнат беллашуви авж олдирилди. Унинг натижалари якунланаётганда илғорларнинг меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот таннархини арзонлаштиришга ва иш сифатини яхшилашга қўшган ҳиссаларн инобатга олинади. Ўтган ойлар планини муддатидан бир неча кун илгари бажаришга муваффақ бўлиб, пешқадамликни қўлга киритдик. Йил бошидан буён планга қўшимча тайёрланган товар маҳсулоти 32 минг сўмликдан ортиб кетди. Шу билан бирга маҳсулот реализация қилиш плани ҳам ортиғи билан бажарилди. Буюртмачи корхоналарга газ аппаратларни ва автоматларини 16 минг сўмлик кўп етказиб бердик. Кенг истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш юзасидан зиммамиздаги топшириқларни ҳам тўла адо этдик. Асосий номенклатурадаги маҳсулотларни тайёрлаш плани юз фоиз уддаланди.

Янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга жорий этишни ҳам бўшаштирмай олиб бордик. Бунинг эвазига «Ўзбекистон-2» прибори ва «ИМР-17М» маркали индикаторнинг дастлабки партиялари ўзлаштирила бошланди. Ҳозиргача уларнинг 79,1 минг сўмлигини тайёрладик.

Эришилаётган ютуқларнинг деярли барчаси фидокорона меҳнат эвазига юзага келмоқда. Коллективимиз аъзоларининг ўз касбларига сидқидилдан меҳр қўйганликлари туфайли ютуқларимиз кўлами тобора кенгайиб боряпти. Қолаверса, уларнинг унумли меҳнат қилиши учун барча зарур шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилиб бораяпмиз. Ахир яхши ишлаш учун яхши шароит ҳам керакда. Корхонамиз ишчиларига маданий-маиший хизмат кўрсатиш тобора яхшиланяпти. Сабзавот магазинни, капитал ремонтдан чиқарилган ошхона ва янги мосламалар билан жиҳозланган саломатлик пункти улар хизматида. Дам олиш хонасининг эшиклари эса ишчилар учун доимо очиқ. Бу ерда кўпчилик дам олиб, ҳар хил тадбирларни ўтказиш билан бевосита шуғулланиш имкониятига эга.

Ютуқларимиз бундан ҳам қувончли бўлиши мумкин. Бунинг учун аввало корхонамизда жорий этилаётган икки-уч сменали иш муаммоларини вақтида бартараф этмоғимиз лозим. Аммо бу борада сусткашликка йўл қўяётганлигимиз яққол кўзга ташланиб қолмоқда. Тўла маънода иш жойларида икки ва уч сменали иш режимига ўтдик, деб айта олмаймиз. Албатта, бу камчиликларни ҳал қилишнинг омиллари ўзимизга боғлиқ. Буни яхши ҳис этиб турибмиз. Мақсадимиз Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига авж олдирилган социалистик мусобақа илғорлари сафидан ўрин олишдир. Бу маррага эришишимизга шак-шубҳа йўқ. Чунки, корхонамиз ишчи-ҳизматчиларининг шу кеча-кундуздаги фидокорона меҳнати буни яққол исботлаб турибди.

А. МАНСУРОВ,
« Средазгазавтоматика » заводи директори.

21 июнь — маҳаллий Советларга сайловлар куни

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Шу кеча-кундузда қайси бир сайлов участкасига борманг, ўзгача бир гавжумликнинг шоҳиди бўласиз. Агитаторлар сайлов участкаларида, хонадонларда бўлиб сайловчилар ўртасида кенг кўламда тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Сайловда қатнашадиган кишилар рўйхатга олинаяпти. Октябрь районидаги «Марказ—26» микрорайонида жойлашган «Известия» номли 38-ўрта мактабда ҳам шу манзара. Мазкур сайлов участкасида агитаторлар уюшқоқлик билан иш юритаяптилар. Сайлов участкасида депутатликка номзодлар билан учрашувга ҳам қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Маҳаллий Советларга ўтадиган бу йилги сайлов кампанияси ўз характери жиҳатидан янгилиги билан кўпчиликни қизиқтирмоқда. Сайловчилар жиддий масалалар бўйича агитаторлар билан қизғин баҳслар ўтказмоқдалар. Шуни эътироф этиш керакки, мазкур сайлов участкасининг агитаторлари ўзларига бириктирилган территорияда яшовчи сайловчилар рўйхатини аллақачон тузиб чиққанлар.

«Марказ—26» микрорайонидаги 35, 36. 44-уйлар, 266 ва 268-уйлар, проезд А, Б кварталида истиқомат қилувчи аҳоли агитаторлар олиб бораётган ишлардан айниқса мамнун. Агитаторлардан Файзинисо Эшдавлатова, Муҳаббат Расулова, Шоира Орипова, Севара Муҳамедова, Муборак Зарипова, Олия Қурбоновалар фаоллик кўрсатмоқдалар. Бу ишлар 18-сайлов участкаси мудири Мирҳосил Ўлжаевнинг бевосита етакчилигида олиб бориляпти. Сайловчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга агитаторлардан қониқарли жавоб оляптилар.

Мазкур агитпунктда ветеран ўқитувчилар ва оталиқ ташкилоти вакиллари навбатчилик қилишмоқда. Навбатчи агитаторлар сайловчиларга бўлажак сайловга оид материаллар чоп этилган газета ва журналлар ҳамда брошюраларни топиб беришда кўмаклашяптилар. 21 июнь — маҳаллий Советларга сайловлар куни — бу ерда 3 минг 300 нафардан ортиқ сайловчи иштирок этади. Агитпунктга келувчилар бу ерда телевизор кўришлари, радио тинглашлари ва шахматшашка ўйинларида иштирок этишлари мумкин.

М. САЙДАЛИЕВА.

ХУШХАБАР

✦ **ЎЗБЕКИСТОНЛИК ОЛИМЛАР СУРГУТДА.** Бу ерда маҳаллий ГРЭСни атроф-муҳит учун зарарсиз суюлтирилган газ технологиясига ўтказиш ишлари бошлаб юборилди. «ВНИИПРОМГАЗ» институти Ўрта Осиё филиалининг олимлари зарарли азот оксидларининг атмосферага чиқишини 20 процент қисқартиришни ўргандилар. Яна битта технология зарарли моддалар чиқишини икки баравар камайтириш имконини беради. Сургут ГРЭСидаги ишлар Сибирь учун энг мувофиқ вариант танлашга имкон яратади.

(ЎзТАГ).

Ҳайдовчилар ғайрати

Юбилей йилида катта мақсадни кўзлаб меҳнат қилаётган Абдуқодир Мирпўлатов бошлиқ бригада ҳайдовчилари 3-автокомбинатдаги меҳнат беллашувида энг илғор коллективлар сафига чиқиб олди. Бу ютуққа ҳайдовчиларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги ва топширилган ишга масъулият билан ёндошиши туфайли эришилди.

« Главташпассавтотранс » бошқармасида жорий этилган янгилик — кассасиз хизмат кўрсатиш усули бу пешқадам коллектив шофёрларига ҳам қўл келмоқда. Энди улар билет сотиш учун кетадиган вақтни кўпроқ йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга, йўловчиларни манзилига бехатар етказиб қўйишга сарфламоқдалар. Бунинг эвазига рейслар мунтазамлиги ошириб борилаяпти, хизмат кўрсатиш маданияти тобора юксалаётир.

Бригада ҳайдовчилари автокомбинат шофёрлари орасида биринчилар қатори Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини ўн иккинчи беш йилликнинг икки йили планини бажариш билан кутиб олишга аҳд қилишган эди. Аҳдига вафодорларнинг эришаётган ютуқлари сўз билан иш бирлигини амалда таъминланаётганлиги д а н далолат бериб турибди.

Бригада йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида аҳолига 34,4 минг сўмлик транспорт хизмати кўрсатиб, планни 18,2 процент уддалади. Ўтган давр мобайнида топшириққа қўшимча бажарилган ялпи иш ҳажми 5,3 минг сўмликни ташкил этди.

— Самарали меҳнат қилишнинг ҳеч қандай сири йўқ, — дейди бригада бошлиғи Абдуқодир Мирпўлатов. — Бугунги кун талаби асосида ўз ишимизни қайта қуришимиз ва янгилик сари дадил интилишимиз бизни ана шундай муваффақиятларга олиб келмоқда. Коллективимизга уюшган йигирма нафар ҳайдовчи «Олой бозори» ва Янгиобод оралиғидаги 26-автобус маршрутида йўловчиларга доимо намунали хизмат кўрсатишга эришмоқда. Ҳисобимизда 11 та автобус бор. Рейс жадвали бўйича шуларнинг 8 таси доимо ҳаракатда бўлиши керак. Аммо биз ҳар куни 9 та автобусни маршрутга чиқаришга ҳаракат қилаяпмиз. Унинг эвазига бир кунда 7,5 минг йўловчига хизмат кўрсатилмоқда.

Бригадада ўз касбининг моҳир усталари кўпчиликни ташкил этишади. Б. Сон ва С. Тошмуродов сингари тажрибали ҳайдовчилар смена нормаларини доимо 140 процентдан ошириб адо этмоқдалар.

Р. АЛИЕВ.



Меҳнат Қизил Байроқ ва Халқлар дўстлиги орденларининг кавалери Н. Х. Бойбеков бошлиқ комплекс бригада аъзолари Улуғ Октябрь 70 йиллигининг беш йилликлнинг иккн йили планини муддатидан илгари бажариш билан кутиб олиш мажбуриятини олганлар. Мазкур коллектив «Главташкентстрой» 2-уйсозлик комбинати 4-монтаж бошқармаси бригадалари ўртасида ҳамиша пешқадамлик қилиб келади. Бригадада ўн касб мутахассислари меҳнат қилишади. Шунинг учун улар бино пойдеворн қурилишидан бошлаб уни тўла қўлдан чиқаришади. Шу кунларда мазкур коллектив Космонавтлар проспекти ва Чехов кўчаси кесишган ерда тўққиз қаватли кўп квартирали уй қурилишини жадал суръатларда олиб бормоқда.

СУРАТДА: Н. Бойбеков бригада аъзолари пайвандчи Г. Тен, прораб Г. Хвалихин, сувоқчи А. Малеванова ва монтажчи Р. Абдулменов билан.

М. Юсупов фотоси.

ЗАМОНДОШИМИЗ



УЧ ХИСЛАТ

«Ҳам мусобақа илғори, ҳам ёшлар мураббийси, ҳам ўз ишининг жонкуяри». Санобар Йўлдошева ҳақида гап кетганида кўпчилик ҳамкасблари у ҳақда ана шундай илиқ фикрларни билдиришади. Химия-фармацевтика заводи партия ташкилотининг секретари Валентина Константиновна билан телефонда қилган суҳбатимиздан бу фикрлар шунчаки оддий мақтов эмаслигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

— Узида бор қобилиятни, маҳоратни тўла намойиш эта билиш бугунги кун кишиси учун хос ишдир, — деди у. — Санобар ҳам ана шундай фидойиларнинг бири. Унинг коллективимизда иш бошлаганига ўн икки йил бўлди. Аммо тарихан шу қисқа фурсат ичида касбига муҳаббати, ўз ишига садоқати туфайли обрў-эътибор топди, коллектив ишончига сазовор бўлди. Ғалвн цехидаги у меҳнат қилаётган хўжалик ҳисобидаги дорн қадоқлаш бригадаси корхонамиз фахри саналади. Унга уюшган ишчилар Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олишга қизғин ҳозирлик кўришмоқда. Ойлик план-топшириқларни мунтазам оширнб бажаришаётир. Коллективнинг заводимиз бригадалари ўртасида авж олдирилган меҳнат беллашувида пешқадамлик қилаётганининг боиси ҳам шундан. Санобар Йўлдошева эса илғор бригаданинг ажоиб меҳнат анъаналарига ҳамиша мос равишда иш юритишга одатланган. У икки йиллик планни 7 ноябргача уддалашни кўзлаб қўйган. Катта мақсад ўз ишининг устасига юқори натижа келтирмоқда. Санобар смена нормасини доимо 1,4 ҳиссага етказиб бажараётир. Бунинг эвазига у графикдан анча ўзиб кетган.

Коллективнинг ёш аъзоларн Санобар Йўлдошевадан меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишдек ажоиб фазилатни мунтазам ўрганиб борадилар. Бу эса уларга келгусида устозларн сингари меҳнатдан бахт топишларида қўл келиши шубҳасиз.

СУРАТДА: Санобар Йўлдошева.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.
М. Нуриддинов фотоси.

Тонгги газеталарда

«Ҳужум» ҳаракатининг 60 йиллигига

5 май куни Москвада Матбуот кунига ва «Правда» газетасининг биринчи сони чиққан кунининг 75 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари М. С. Горбачев, Е. К. Лигачев, Б. Н. Ельцин, А. Н. Яковлев, Г. П. Разумовский ўртоқларни қарсаклар билан табриклайдилар.

СССР Журналистлар союзи правлениесининг раиси, «Правда» газетасининг бош редактори В. Г. Афанасьев доклад қилди.

4 май куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев билан Франция Коммунистик партиясининг Бош секретари Ж. Маршенинг учрашуви бўлди.

Тантанали йиғилиш ва мазкур учрашув ҳақидаги ҳисоботлар бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

ҚИЗИҚАРЛИ КЕЧА

Сергели районидаги «Маданият» маҳалласида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги ва «Ҳужум» ҳаракатининг 60 йиллигига бағишланган кеча ўтказилди. Кечага СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Сора Эшонтўраева ташриф буюрди.

Кечада иқтисод фанлари доктори З. Зиёвуддинов «Янги социалистик анъаналар ва урф-одатлар» мавзуида лекция ўқиди.

32-мактаб ўқувчилари бахор, меҳнат ва бахтни тараннум этувчи шеърлар, чистонлар ва ашулалар ижро этдилар.

Сора Эшонтўраеванинг «Ҳужум» ҳаракати ҳақидаги ҳикояси йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Сора опа ўзлари ўйнаган Гули ва Жамила ролларидан монолог ўқиб бердилар.

2-маданият уйининг «Дилнавоз» ашула ва рақс ансамбли ўз чиқишлари билан меҳмонларни хушнуд этди.

Кечани уюштиришда 6-кутубхонанинг «Гулшан» клуби, 32-мактаб коллективи ва маҳалла активлари ёрдам кўрсатдилар.

М. ФОЗИЛОВА.

Тинчлик бўлсин барқарор

Совет Иттифоқининг қуролланиш пойгасини жиловлашга қаратилган тинчликсевар ташаббуслари ҳамма жойда кенг қўллаб-қувватланмоқда. Ф. Энгельс номли Тошкент Давлат чет тиллар институти кечки бўлимининг биринчи курс студентлари тайёрлаган «Тинчлик, дўстлик — бизнинг бахтимиз!» ижодий кечаси ҳам ана шу долзарб мавзуга бағишланди. Талабалар шу кечага бағишлаб «Дунёга—тинчлик», «Тинчлик урушни енгади», «Оқ кабутар — тинчлик тимсоли», «Тинчлик учун овоз бераниз» деган деворий газета ва стендлар ҳозирлашди.

Студентлардан И. Ишманова ва А. Ҳайдаровалар Совет тинчлик комитети, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар жамиятлари олиб бораётган ишлар тўғрисида, тинчликсеварлик сиёсати ҳақида сўзлаб беришди. Ф. Муҳиддинова эса курсдошларига америкалик олим, ядро қуролланишига қарши норозилик сифатида очлик эълон қилган Ч. Хайдер тўғрисида, совет жамоатчилиги уни қандай қўллаб-қувватлаганлиги ҳақида сўзлади. 101-группа студентлари тайёрлаган адабий монтаж «Хиросима такрорланмасин» деб номланди.

Улуғ Ватан уруши иштирокчилари — немис тили кафедрасининг ўқитувчиси Н. Аминов, профессор Т. Жўраевлар ҳар бир инсон тинчлик учун курашиши лозимлигини таъкидладилар.

Ёшлар кечага бағишлаб ранг-баранг концерт программаси тайёрладилар. Г. Акмалова, Д. Ражабова, Н. Шамсуддинова, Ф. Хомиджонова, К. Раимқулова куйлаган қўшиқлар, ўқилган шеърларда тинчлик тараннум этилди.

Б. МАНСУРОВ.

БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети якка тартибдаги меҳнат фаолияти соҳасида нон ёпиш ва нон сотиш билан шуғулланаётган граждапларнинг даромадларини таҳлил этиб, **якка тартибдаги меҳнат фаолияти соҳасида нон ёпиш ва нон сотиш бўйича** патент тўлови миқдорини 30 процент камайтиришга **ва 1987 йил 6 майдан патент тўлови миқдорини 980 сўм қилиб белгилашга қарор қилди.**

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.

Телетайп лентасидан

КОБУЛ. Афғонистон Халқ Демократик партияси (АХДП) Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, АДР Министрлар Советининг раиси С. А. Кештманд Бомиён вилоятининг аҳолиси билан учрашди. Қабилаларнинг оқсоқоллари ва ҳокимият маҳаллий органлари вакиллари ҳузурида нутқ сўзлаб, у АХДП ҳамда АДР ҳукуматининг миллий яраш йўлини афғон халқи қўллаб-қувватлаётганликларини айтдилар. Кобул шаҳрида бўлиб ўтган жирғада улар Валихайл Вазир қабиласи ёлғон-яшиқ ташвиқот оқибатида чет элга бориб қолган афғонларнинг ватанга қайтишига ёрдам беришни ўзининг асосий вазифаси, деб ҳисоблаётганлигини айтдилар.

Нангархор ва Фарах вилоятларидан келаётган хабарларга қараганда, яна 60 киши Афғонистонга қайтиб келди. Покистон ва Эрон территориясидаги лагерларда озоб-уқубат чеккан бу кишилар самимий кутиб олинди ва уларга зарур ёрдам кўрсатилди.

⊙

ОММОН. Иордания Бош министри Зайд Ар-Рифойи Исроил матбуотининг, ғўё Иордания — Исроил оқибатида чет элга бориб қолган афғонларнинг ватанга қайтишига ёрдам беришни ўзининг асосий вазифаси, деб ҳисоблаётганлигини айтдилар.

Нангархор ва Фарах вилоятларидан келаётган хабарларга қараганда, яна 60 киши Афғонистонга қайтиб келди. Покистон ва Эрон территориясидаги лагерларда озоб-уқубат чеккан бу кишилар саммий кутиб олинди ва уларга зарур ёрдам кўрсатилди.

⊙

ОММОН. Иордания Бош министри Зайд Ар-Рифойи Исроил матбуотининг, ғўё Иордания — Исроил алоқалари бўлиб ўтди ва қирол Ҳусайн Исроил ташқи ишлар министри Перес билан учрашди деган даъволарини рад этди. Петра Иордания ахборот агентлигига берилган баёнотда З. Ар-Рифойи матбуотда сўнгги вақтда ана шу мавзуда пайдо бўлган ҳамма хабарларни «асоссиз ва ёлғон» хабарлар, деб атади.

Иордания Бош министри ўз мамлакати барча манфаатдор томонлар ва БМТ Хавфсизлик Кенгаши беш доимий аъзосининг иштироки билан халқаро конференция ўтказиш фикрига содиқлигини тасдиқлади. У конференцияда Фаластин озодлик ташкилоти иштирок этиши лозимлигини алоҳида таъкидлаб, Араб — Исроил можаросини тинч йўл билан ҳар томонлама бартараф этиш учун фаластин халқининг қонуний ҳуқуқларини қондириш шарт, деб уқтирди.

⊙

МАНАГУА. Гондурасдан олинган хабарларга қараганда, бу мамлакатда жойлашиб олган сомосачи каллакесарлар тўдаларининг бошлиқлари кўнгилли интернационал бригадаларга дўқ-пўписа қилиб, улардан Никарагуа халқига ёрдам беришни тўхтатишни талаб қилдилар. Марказий разведка бошқармасига ёлланган каллакесарлар Никарагуада ишлаётган муҳожирларнинг бошларига америкалик инженер Бенжамин Линдернинг тақдири тушишини хоҳламасалар, «дарҳол жўнаб кетишлари керак» деб уларни «огоҳлантирдилар». Маълумки, Никарагуанинг шимолий зонасидаги деҳқонлар яшайдиган посёлкаларни электрлаштириш билан шуғулланаётган Б. Линдер 28 апрель куни сомосачилар томонидан ваҳшийларча ўлдирилган эди.

⊙

ВАШИНГТОН. Контраслар америкалик интернационалист инженер Бенжамин Линдерни ваҳшийларча ўлдиргани тўғрисидаги хабар у туғилиб ўсган Портленд шаҳри (Орегон штати) аҳолисини ларзага келтирди, деб хабар қилди «Вашингтон пост» газетаси. Маҳаллий радиостанция редакцияларида телефонлар тинимсиз жирингламоқда: радиотингловчилар каллакесарларга Американинг ёрдам беришини дарҳол тўхтатишни талаб қилмоқдалар. Орегон штатининг сенати худди шундай талаб билан чиқди. Портленднинг мингдан ортиқ аҳолиси АҚШ маъмуриятининг Марказий Америкадаги сиёсатига қарши норозилик намойиши ўтказди.

(ТАСС).

Бунёдкор

№ 5

МУНОСИБ СОВҒА

Уй-жой қурилиши — «Тошкент оқшоми» назоратида

Шу кеча-кундузда Чорсу дахасига бориб қолсангиз, ўзингизни қурувчилар шаҳарчасига келиб қолгандек ҳис қиласиз. Қатор-қатор вагон-уйлар, кўтарма кранлар, қурилиш материаллари... Улар бу ерда иш қизғин эканлигидан дарак бериб туради. «Москва» меҳмонхонасининг рўпарасида 3 та 12 қаватли, 2 та 9 қаватли турар жой бинолари қад кўтармоқда.

Мазкур турар жой комплекси қурилишида 12-қурилиш трестига қарашли 49-қурилиш бошқармасининг бир группа бунёдкорлари жонбозлик кўрсатмоқдалар. Александр Камнев етакчилик қилаётган монтажчилар бригадаси социалистик мусобақанинг олдинги ўринларини эгаллаб келмоқда. Бригада 26 кишидан ташкил топган бўлиб, уларнинг ҳаммаси турдош касбларни эгаллаб олишган. Турли миллат вакилларини бирлаштирган бу коллектив ўзининг юқори меҳнат натижалари, аҳил-тотувлиги билан бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Электр пайвандчилардан П. Мишин, Ф. Қодиров, В. Колос, монтажчилардан И. Раҳимжонов, Б. Сон каби бунёдкорлар кунлик план-топшириқларини 115—120 процентга етказиб адо этмоқдалар.

Қурилиш майдонида иш қайнайди. Ҳамма ўз иши билан банд. Вагон-уйчаларнинг бири диққатимизни ўзига жалб қилди. Бу вагончада ошхона жойлашган экан.

— Яратиб берилган бу қулайлик янада самаралироқ ишлашимизга муҳим омил бўлмоқда. Тушлик қилиш учун узоққа бориб ўтирмаймиз, — дейди шу бригаданинг мастери Х. Ғозиев.

— Биз бундан ҳам жадалроқ, самаралироқ ишлашимиз мумкин, лекин баъзи муаммолар мавжудки, улар ишимизга тўсқинлик қилмоқда, — дейди бригада сардори Александр Камнев. — Таъминот масаласи кўнгилдагидек эмас. Қурилиш материаллари ҳар доим ҳам ўз вақтида етказиб берилмайди. Панеллар сифати талаб даражасида эмас. Ишимиз эса айнан ана шу қурилиш материалларининг сифатига боғлиқ. Бизга материал етказиб бераётган 1 ва 8-темир-бетон буюмлари заводимизнинг мутахассислари маҳсулот сифатига аҳамият берсалар айни муддао бўлар эди.

Дарҳақиқат, ўринли эътироз. Бутун мамлакатимизда қайта қуриш, жадаллаштириш ишлари кенг миқёсда олиб борилаётган бир пайтда сифат масаласига бундай муносабат ярамайди. Мазкур объектни шу йилнинг 31 декабрида фойдаланишга топшириш планлаштирилган. Бригада аъзоларининг эса «Бинони 20 декабрда фойдаланишга топширамиз», дейишмоқда. Бу эса планга қўшимча яна 16 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш имкониятини беради ва коллективнинг Улуғ Октябрнинг 70 йиллик юбилейига муносиб совғаси бўлади.

М. АСҚАРОВА.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Оқтепа массивида 560 кичкинтойга мўлжалланган болалар боғчаси биноси қад кўтарди. Қурилишда «Г л а вташкентстрой»нинг 159-трести 70-қурилиш бошқармасига қарашли учта бригада самарали меҳнат қилди. Планга кўра бу объект шу йилнинг июль ойи охирида фойдаланишга топшириллиши кўзда тутилган эди. Бунёдкорлар кичкинтойлар масканини муддатидан икки ой илгари совға этиш ниятидалар. Шу кунларда объектда иш қизғин олиб борилмоқда. Пардозловчилар барча хоналарни сайқалдан чиқаряпти. «Бу бизнинг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига совғамиз бўлади», дейишмоқда объект қурилишида қатнашаётган бунёдкорлар.

Т. ИУЛДОШЕВА,
студент.

ИККИ ЙИЛЛИК ПЛАН—7 НОЯБРГА

«Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб оламиз». — «Главташкентстрой»нинг 159-трести 8-қурилиш бошқармасига қарашли В. Шуваров бошчилик қилаётган комплекс коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари ана шундай шиор асосида ишлашмоқда.

Шу кунларда шаҳримизнинг генерал Петров кўчасида 1568 ўқувчига мўлжалланган мактаб биноси қурилишини жадал суръатда олиб бораётган бунёдкорлар объектда умумий қурилиш-монтаж ишларини ниҳоясига етказишмоқда.

Коллективнинг бригада пудрати методи асосида меҳнат қилиши кунлик план-топшириқларини 15—20 процент ортиғи билан адо этишга имконият яратмоқда. Турли касбларни ўзлаштириб олган қурувчилар объектдаги барча ишларда бемалол фаоллик кўрсатиша олади.

Коллективнинг К. Асроров ва А. Катков сингари бунёдкорлари эса вақтдан ўзиб ишлаб ўз ҳамкасбларига ибрат бўлишаётир. Апрель ойи план-топшириқларини муддатидан илгари адо этган коллектив ҳозирда юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқда. Бригада аъзоларининг мақсади Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги кунигача ўн иккинчи беш йилликнинг икки йиллик план-топшириқларини адо этишдир. Ҳозирги олиб борилаётган самарали меҳнат зиммага олинган бу вазифани ўз муддатида адо этилишидан дарак бериб турибди.

М. ФЕЛЬДМАН.

ЯНГИ БИНО

Фоторепортаж



Юнусобод массивининг 14-кварталида 9 қаватли турар жой биноси қад кўтарди. Бино 144 квартирали. Катта ва кичик оилаларга мўлжалланган. Бинода қурилиш-монтаж ишларини бош пудратчи 2-уйсозлик комбинатига қарашли 4-қурилиш бошқармаси коллективи олиб бормоқда. Бинонинг биринчи қаватида турли хўжалик молари билан савдо қилувчи магазин жойлашади. Унинг фойдали савдо зали бир минг уч юз метрни ташкил этади.

— Қурилиш-монтаж ишлари муддатидан икки ой олдин тамомланган, — дейди прораб Юрий Евгеньевич Ким. — Лекин шунга қарамай, ҳамон «Отделстрой» трестининг 42-қурилиш бошқармаси пардозчилари ишга киришганларича йўқ. Аслида улар ваъда бўйича пардозлаш ишларини шу йилнинг 1-кварталида бошлашлари керак эди.

Монтажчилар бригадасини Анатолий Пайменов бошқармоқда. У малакали қурувчи. Тошкентда туғилган. Қурилишда 1959 йилдан буён ишлайди.

— Шу ўринда 2-йирик панелли уйсозлик заводи коллективига ҳам эътирозимиз бор, — дейди бригадир А. Пайменов, — чунки бу корхона объектни зарур бўлган қурилиш материаллари билан ўз вақтида таъминлай олмади. Шу сабабли қурувчиларимиз кўплаб иш вақтини йўқотди. Бекор туриш эса ҳам ҳамёнга, ҳам давлатга зиён. Мана шу узилишлар бўлмаса объектдаги ишларимизни аллақачон тугаллаган бўлардик.

Шу кунларда бино атрофида ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Чиқинди материаллар олиб кетиляпти. Канализация ва водопровод тармоқларини ўтказиш учун ковланган хандақ ва чуқурлар тўлдирилмоқда.

Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ.

СУРАТЛАРДА: бинонинг ташқи кўриниши; объект қурилишида қатнашган бир группа бунёдкорлар.

Автор фотолари.



ДЕПУТАТ БОШЛИҚ БРИГАДАДА

Шаҳримизнинг Красновосточное кўчасида педагогика билим юрти студентлари учун ётоқхона биноси қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда. Шу йилнинг сентябрь ойида барча қулайликларга эга бўлган 240 ўринли 9 қаватли замонавий бу ётоқхона фойдаланишга топширилиши керак. Бинони «Главташкентстрой»нинг 4-трестига қарашли 19-қурилиш бошқармасининг Алексей Лукьянов етакчилик қилаётган бригадаси аъзолари бунёд этишмоқда.

Бригада қурувчилари ойлик ва квартал планларини мунтазам ошириб адо этиб, ҳамкасблари ўртасидаги мусобақада карвонбошиликни қўлдан бермай келишяпти. 17 кишидан ташкил топган бу коллектив айни шу кунларда бинонинг 8 қаватида қурилиш-монтаж ишларини олиб боришяпти. Бригаданинг жонкуяр қурувчиларидан К. Эшмбетов, С. Сергеев, Р. Обидов, Б. Худойберганов, С. Мавлонов, А. Абдукаримов сингарилар объектда баракали меҳнат қилиб иш суръати ва сифатини таъминлашда коллектив шуҳратига шуҳрат қўшмоқдалар.

Мазкур объектда ўтган йилнинг 4-кварталида иш бошланган эди. Қурилишда 800 минг сўмлик қурилиш монтаж ишлари бажарилиши керак. Ҳозиргача 390 минг сўмлик иш адо этилди.

— Бригадамиз аъзолари асосан 4—5 қаватли ғиштли биноларни қуришга ихтисослашган эди. Бу 9 қаватли бино биз учун биринчи синовдир. Шунга қарамасдан йигитларимиз зўр ғайрат билан ишлаб, ҳар бири ўз вазифасини аъло даражада бажармоқда, — дейди бригадир бизга.

Шу кунларда бригада коллективи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига ўзаро мусобақани авж олдирган ҳолда иш суръатини тобора оширяпти.

Ж. БОҒБЕКОВ.

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«ДИЙДАСИ ҚОТГАННИНГ НОНИ ҲАМ ҚОТГАН»

Ана шундай сарлавҳа остида газетанинг шу йил 20 апрель сонида босилган туркум материаллар «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат коллективларида ўтказилган очиқ партия йиғилишларида муҳокама этилди. Сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришда айбдор бўлганларга, санитария нормаларини бузганларга ва бошқа камчиликларга йўл қўйганларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Рўй берган аҳволни тузатиш тадбирлари белгиланди.

Масалан, 2-нон заводида ўтказилган партия йиғилишида КПСС аъзолари — лаборатория мудири Т. А. Прядкина, катта мастер В. А. Ткачев, смена мастери К. И. Мирҳидоятовларга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди. Йиғилиш қатнашчилари смена мастери Т. Абдурасуловни эгаллаб турган вазифасидан четлаштириш, смена мастери А. Ғафуровни машинистликка ўтказиш, смена технологи Б. Тўрабоевани хамир қоруvчилиққа кўчириш хусусидаги таклифларни маъмурият муҳокамасига ҳавола этдилар.

3-нон заводи коммунистлари катта мастер, КПСС аъзоси А. Салимовга қаттиқ ҳайфсан эълон қилишди. Лаборатория мудири, КПСС аъзоси Г. Шокировага ҳайфсан берилди. Маъмурият олдига катта мастерлар Р. Ҳамидова, С. Избергский, лаборатория микробиологи Е. Мансуроваларни жазолаш масаласи кўйилди.

4-нон заводида ўтказилган партия йиғилишида КПСС аъзолари — мастер Т. Дониёрова ва бош мастер А. Абдураҳмоновга ҳайфсан эълон қилинди.

Сўзга чиққан кўпгина коммунистлар ва партиясизлар ўзларининг ишларига ҳаққоний баҳо берилганлиги, нон тайёрлашдек муҳим ҳамда масъулиятли ишга нотўғри муносабат одилона танқид қилинганлигини таъкидлаб ўтдилар.

2-нон заводида бўлган партия йиғилишида сўзга чиққан обинон цехи мастери К. Ҳидоятов бундай деди:

— Газетани ўқиш мен каби кекса ходимга ва КПСС аъзосига ғоят аччиқ туюлди. Чиндан ҳам бизда интизом ниҳоятда пастлашиб кетган, бунинг оқибатида корхонани антисанитария ҳолати учун ёпишгача бўлган даражага тушиб қолдик. Маҳсулот сифати чиндан ҳам ёмон. Биз, мастерлар сифат ва интизом устидан назоратни бўшаштириб юборганмиз. Мен коммунист бўлганлигим учун ҳам бизни тўғри жазолашди, деб ҳисоблайман. Энди заводни исноддан қутқариш, аҳволни яхшилаш учун қўлимиздан келадиган ҳамма ишни қилишимиз керак.

Нонпаз К. Тўйчиева рўй бераётган камчиликлар сабабини коммунистлар ўз ишларини бўшаштириб юборганликларида деб ҳисоблайди. Корхона оғир ҳолатга тушиб қолганлигида ҳам уларнинг айби оз эмас.

Компрессорчи З. Ўразбоевнинг фикрича, ветеранлар, кекса ходимлар ҳам бегуноҳ эмас, улар ёшларга кам вақт ажратадилар, мураббийлик, тарбиявий ишлар билан суст шуғулланадилар, одамларга намуна кўрсатмайдилар.

«Оқшом»да босилган материаллар фақат унда танқид қилинган корхоналарда эмас, бошқа коллективларда ҳам муҳокама этилди.

1-нон заводида ўтказилган партия йиғилишида турдош нон заводларида рўй берган камчиликлар ўзларининг коллективларига ҳам у ёки бу тарзда даҳлдор эканлиги қайд қилинди.

— Нон сифати бевосита бизга боғлиқ, — дейди катта технолог, коммунист М. Красилова. — Бунга меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми бевосита таъсир кўрсатади. Бинобарин, ишга муносабатимизни қайта қуришимиз керак. Янги маҳсулот — олий, биринчи ва иккинчи сорт унлардан нон тайёрлашга ўтганимиздан буён шаънимизга кўпгина эътирозлар билдирилмоқда, яъни нонинг нархи ошди-ю, сифати кўп ҳолларда талабга жавоб бермаяпти дейишмоқда. Буларнинг ҳаммаси ҳақ гап.

Тошкент булочка-кондитер комбинатида ўтказилган партия йиғилишида корхона партия комитети секретари Р. Зокирова бундай деб таъкидлади:

— «Тошкент оқшоми»да бизнинг комбинатимиз ҳақида ҳеч нарса дейилмаган, лекин бошқа корхоналарда рўй бераётган камчиликлар бизнинг ишлаб чиқаришимизга ҳам хос. Бешинчи ва иккинчи ишлаб чиқариш участкаларида, булочка ва кондитер цехларида санитария-техника нормаларига етарли риоя қилинмаётир. Сифат масаласи бир неча маротаба муҳокама этилди-ю, ҳаммаси қоғозда қолиб кетди. Раҳбарлар ва мутахассислар партия йиғилишларида, партком мажлисларида танқид эшитдилар-у, ундан хулоса чиқармадилар.

— Цехларда камчиликлар жуда кўп, деди Д. Шеремецкая, — лекин ҳамма уларни четлаб ўтади. Мақсус кўрсатмасиз ҳеч ким ахлатни йиғиштириб олмайди, нуқсонларга барҳам бермайди. Ишга бундай муносабатда бўлиш мумкин эмас, албатта.

— Тўғри, — деди сўзга чиққан 4-ишлаб чиқариш участкаси партия ташкилотининг секретари Э. Куркчиянц, — камчиликларни кўрсатишларини кутиб турамизми, уларни ўзимиз бартараф этиш ҳақида ўйламаймиз. Бунақасига чек қўядиган пайт келди.

Йиғилишда лаборатория бошлиғи О. Сонинага, иккинчи ва биринчи ишлаб чиқариш участкаларининг бошлиқлари А. Орипов, К. Орифжоноваларга ҳайфсан бериш ҳақида қарор қабул қилинди. Улар ишлаб чиқаришда рўй берган камчиликларни тугатиш чораларини кўрмаганликлари учун шундай жазо олдилар.

2-дон маҳсулотлари комбинати партия йиғилишида сўзга чиққанлар ҳам ишдаги қусурларни кўрсатиб ўтдилар. Нотиқлар, ишчилар ва мутахассисларга нисбатан талабчанлик бўшаштириб юборилганлигини, цех бошлиқлари ва смена мастерлари ўз вазифаларига совуққонлик билан қараётганликларини, брақка йўл қўядиганлар аниқланмаётганлигини, партия ташкилотининг қарорлар ижросини назорат қилиши самара бермаётганлигини қайд этишди.

Ишчилар ва мутахассислар ўзларининг бевосита хатолари ҳамда етишмовчиликлари ҳақида гапирар эканлар, «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмаси, республика Дон маҳсулотлари министрлиги раҳбарларининг эътиборини кўп йиллардан буён ҳал қилинмаётган ишлаб чиқариш муаммоларига: эскириб кетган ускуналарни янгилаш, капитал ремонт, реконструкция масалаларига қаратдилар.

Партия йиғилишларида айтилган гапларни таҳлил этарканмиз, нотиқларнинг ҳаммаси ҳам танқид тиғини бевосита ўзларига қаратмаганликларини таъкидлаймиз. Шундай нутқлар ҳам бўлдики, уларда ҳукм сураётган ҳолат учун айбни бошқалар гарданига юклаш, сувдан қуруқ чиқиш, бўлар-бўлмас сабабларни рўкач қилиш кўзга ташланди.

Масалан, 3-нон заводида ўтказилган партия йиғилишида корхона директори Ш. Каримов цехларда антисанитария ҳукм сураётгани, ходимлар медицина кўригидан вақтида ўтмаётганликлари, ўғирлик ҳоллари учраётгани, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми пастлиги ҳақида гапирганидан сўнг ишчилар ва мутахассислар бундай хатоларга барҳам беришлари, ўз вазифаларига, бурчларига бошқачароқ ёндашишлари хусусида сўз юритишлари керак эди. Бироқ кўпгина нотиқлар, айтайлик мастер С. Изберский, катта мастер А. Саламов модий-техника таъминоти етарли эмаслиги, ускуналар ва биноларда эскириб кетганлигини рўкач қилишдан нарига ўтмадилар.

Зарур ёрдамга келганда шуни айтиш керакки, у ҳақиқатан ҳам кўрсатилмоғи шарт. Лекин бошқа бир томонини ўйлаб қарайлик, мисол учун нонни ўғирлаш ва талон-тароқ қилмаслик учун қанақа ёрдам талаб этилади. Ҳисобга олинмаган нон чапга ташиб кетилмаслиги, текин даромад манбаига айланмаслиги йўлида ким ёрдам кўрсатади? Прогулчиликка, кечикиб келишларга, иш жойларида чекишга барҳам бериш кимнинг вазифаси? Менимча, бунда ҳеч кимнинг ёрдами керак эмас. Ҳар бир одам ўзидан ўзи, бригадада ишловчи ўз ўртоғидан сўраши лозим. Шу жиҳатдан катта мастер А. Нехорошевнинг сўзи диққатга сазовор бўлди.

— Айрим ўртоқларга қайта қуриш талаблари етиб борганича йўқ, — деди у. — Ҳар куни, бутун иш давомида онгли равишда виждонан меҳнат қилмоқ зарур. Танқидни эшитгач, биз ускуналарни тозалаймиз, цехни йиғиштирамиз, бўяймиз, ювамиз. Мен коммунист сифатида бундан буён санитария ҳолатининг намунали бўлиши, нуқсонлар такрорланмаслиги учун сўз бераман.

Шаҳар аҳолиси бугунги кунда нон заводлари ходимларидан ҳудди ана шундай аниқ-пухта, амалий жавоблар кутади. Корхоналарга ремонт масаласида оператив ёрдам кўрсатилмоқда, эскирган ускуналар янгиланмоқда. Бироқ нон тайёрлашга даҳлдор ҳар бир кишининг шахсий масъулиятини оширмасдан туриб муаммони ҳал этишда туб ўзгариш ясаш мумкин эмас. Буни партия йиғилишларида бир тўда объектив сабабларни рўкач қилган, лекин ўз камчиликларини ҳамон сезмаётган 3-ва 5-нон заводларининг айрим ходимларига эслатмоқчимиз.

Тўғри, бир-икки кун ичида нон магазинларида нуқул юқори сифатли маҳсулотлар пайдо бўлишини кутиш қийин. Лекин шаҳар аҳолиси ортиқ кутиб туролмайди. Кишиларимиз нонпазлик индустрияси коллективларидан сифатли маҳсулот, халқ бойлиги — нонга эҳтиёткорона муносабатни кутадилар. Уларнинг талаби одил ва қонуний. Тошкентликлар нон заводларининг коллективларидан, нонпазлик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилардан конкрет жавоб берилишини талаб этадилар. Лаззатли нон тайёрлаб бериш бунга қайтариладиган энг яхши жавобдир.

С. ЛИ.

Дунё хабарлари

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

НЬЮ-ЙОРК. АҚШ ҳукуматини алдаганлигини ўзи тан олган «Эрон-Контрас» операциясининг бевосита иштирокчиларидан бири бўлган Карл Чэннел аслида Вашингтон маъмуриятини олий вакиллари ижозати ва маъқуллаши билан иш кўрган эди. «Бу одам маъмуриятга контраслар учун миллионлаб доллар маблағ йиғиб олишга ёрдам берди», — деб хабар беради Эн-Би-Си телекомпанияси. Миллий хавфсизлик кенгашининг собиқ ходими Оливер Норт билан биргаликда ҳаракат қилган К. Чэннел, гўё «Хайри-эҳсон» учун деб солиқ солинмайдиган маблағ йиғди. Аммо бу маблағ Никарагуа аксилинқилобчи тўдаларини қуроллантиришга сарфланган. Телекомпания АҚШ президенти Рейган ва вице-президент Буш имзолаган мактубни кўрсатди, бу мактубда Чэннел фаолиятига «юксак баҳо» берилган. «Улар, афтидан, йиғилган пуллар контраслар учун қурол-яроғ сотиб олишга сарфланаётганлигини билишган», — деб таъкидлади телекомпания. Эн-Би-Си телекомпанияси мухбири билан суҳбатда Чэннелнинг собиқ ёрдамчиси Жейн Маклофлин қуйидагиларни айтди: «Биз президент Рейган номидан ва унинг Марказий Америкадаги сиёсатига мувофиқ ишлаяпмиз, деб ўйлаган эдим».

ВАШИНГТОН. АҚШ маъмурияти Покистонга олис масофадан туриб радиолокация воситалари ёрдамида қидириб топиш ва авакс огоҳлантириш системаси билан жиҳозланган самолётларни етказиб беришни жадаллаштиришга «аслида рози бўлди». Пайшанба куни Пентагонда ўтказилган навбатдаги брифингда Америка ҳарбий маҳкамасининг вакили Роберт Симс ана шуларни айтди. Покистонга энг янги жосуслик мақсадида ишлатиладиган самолётларни етказиб бериш хусусидаги масала Покистон Бош министри Муҳаммадхон Жунежоннинг президент Рейганга йўллаган ва яқинда унга топширилган мактубида кўтарилган эди. Симснинг гапларига қараганда, Покистонга радиоэлектроника воситалари ёрдамида кузатув олиб борадиган самолётларни ижарага бериш тўғрисида шартнома тузиш «имконияти муҳокама қилинмоқда». Симс бу битимнинг узил-кесил шартлари ҳали ишлаб чиқилмаганига ишора қилиб, аммо АҚШ Покистонга ана шундай «ёрдам» беришдан манфаатдор эканлигини алоҳида таъкидлади.

АНТАНАНАРИВУ. Мадагаскарнинг шимолий чеккасида жойлашган Малагасиянинг Анцеранана шаҳрида совет китоблари, грампластинкалар, плакатлар ва маркалар биринчи кўргазмаси очилди. Бу кўргазма Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишланиб, республикада бўлаётган Совет Иттифоқи кунлари доирасида ўтказилмоқда. Совет нашриётлари чиқарган китоблар чиройли стендларга қўйилган шаҳар маҳкамаси биносига юзлаб одамлар келишди. Улар марксизм-ленинизм классиклари асарлари, илмий ва бадиий китоблар билан қизиқиб танишдилар. Бу экспозиция мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик мустаҳкамланиб бораётганлигидан далолат беради, — деди кўргазманинг очилиш маросимида шаҳар ижроия комитетининг раиси Франсуа Бе.

Анцеранана шаҳрида жойлашган мамлакатдаги энг йирик кемалар ремонти ва қурилиши заводи меҳнаткашлари ташкил этган «Мадагаскар — СССР» дўстлик жамияти бўлими оддий одамлар Совет Иттифоқи билан муносабатларни ривожлантиришга интилаётганлигининг ифодаси бўлди. Мадагаскар революцион меҳнаткашлари касаба союзи завод бюроси активлари ана шундай ташаббус билан чиққанларида корхона ишчилари уларни бажонидил қўллаб-қувватладилар. Дўстлик жамияти бўлимининг фаолияти совет дўстларимиз билан алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади, республикада социализм қуришдек эзгу мақсадимизга эришишда кўмаклашади, деди касаба союз бюроси секретари Луи Ракутунирина.

«ИШОНЧЛИ, ҚУЛАЙ, ЧИРОЙЛИ»

БУДАПЕШТ

Венгрияда харидорлар орасида шуҳрат қозонган совет электр рўзғор буюмлари ана шундай сўзлар билан реклама қилинмоқда. Венгриялик шериклар совет корхоналарида яратилган рўзғор техникасига юксак баҳо бермоқдалар. ВХРга Совет Иттифоқидан кенг халқ истеъмоли товарлари етказиб бериш йил сайин кўпайиб бормоқда. 1987 йилнинг ўзидагина Венгрия магазинларига 70 минг холодильник, 50 минг пилесос, 20 минг кир ювиш машинаси, 50 мингта кўчма телевизор, кино ва фото техникаси, шунингдек «СССРда ясалган» тамғали соатлар етказиб берилди.

Капитализм иллатлари

ИШДА ЖАРОҲАТЛАНИШ

Капиталистик мамлакатларда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар натижасида ҳар йили 100 минг ишчи ва хизматчи ҳалок бўлади. Бунинг сабаби капиталистларнинг техника хавфсизлигига маблағ сарфлашни истамаётганлиги, меҳнатни чексиз даражада интенсивлаштиришдир.

АҚШ корхоналарида ҳар куни 55 нафар меҳнаткаш жароҳатланиш оқибатида ҳаётдан кўз юмса, 8,5 минг одам шикастланади. Меҳнат аҳли 3 миллион кишидан иборат бўлган Бельгияда ҳар йили ишлаб чиқаришда 250 минг бахтсиз ҳодиса рўй бериб туради. Ҳалок бўлганлар сони йилига ўртача 368 кишини ташкил этади.

КУППА КУНДУЗИ

АҚШда хонадонларга ўғирликка тушиш тобора кучайиб боряпти. Ўрта ҳисобда 4 оиланинг бири уйи ўн йилда бир марта ўғирланади, ФБР экспертлари яқинда ўз докладларида шуни маълум қилдилар. 80-йилларнинг биринчи ярмида 13 миллион хонадон шип-шийдон қилиб кетилган. Ўғирланган буюмлар қиймати 13 миллиард долларни ташкил этади.

Калейдоскоп

ЕРГА ЕТАЙ ДЕГАНДА

Парашют спорти инструктори Грег Робертсоннинг жасурлиги ва юксак профессионал маҳорати туфайли Финикс шаҳридаги (Аризона штати) парашютчи Диана Ульямсиннинг ҳалокати бартараф этилди.

Спортчи сакраганидан сўнг ҳавода бошқа бир спортчи билан урилиб кетган ва ҳушини йўқотганлиги сабабли парашютини очолмаган. Ундан кейин сакраган Робертсон бир ярим километрдан ортиқ пастга қараб шўнғиган. Фақатгина ерга етай деганда парашютчининг иккала гумбазсимон парашютини очишга муваффақ бўлган. Ерга жуда қаттиқ қўнилган, Ульямс контузияланган, бироқ врачларнинг айтишларича унинг соғлиги хавф остида эмас.

ҲАВОДАГИ ШУҲЛИКЛАР

Норвегиянинг кичик шаҳарчасида икки болакай ёзги аэрофлот майдончасига тушиб енгилгина тўрт ўринли самолётга чиқиб олиб, унинг анжомларини ўйнамоқчи бўлишган. Кутилмаганда болалар самолётни ҳавога кўтаришган.

Самолёт тоғ пастга, тоғ осмонга силтанганда у ачча юқорида эди. Ердаги одамлар самолётнинг бир соатдан буён давом этаётган хавфли учишини хавотир билан кузатишарди. Болаларнинг бахти юришди, ёнилғиси тугаган самолёт астасекин пастга туша бошлади ва қаноти билан ерга тегиб майингина қўнди.

СУВОСТИ САЙРИ УЧУН

Европадаги биринчи сувостидаги туристик кемасини Финляндиянинг «Вяртсиля» фирмаси қурди.

Унинг узунлиги 17 метр, кенглиги эса 4 метр. Дарё туби сайри ўзининг тиниқ суви билан машҳур бўлган Симонярви дарёсида ўтказилади. Пассажирлар гўзал манзара ва фаунани улкан иллюминаторлар орқали кўришади. Кучли прожекторлар эса бундай манзарани кўришда ёрдам беради, деб ёзади Руминиянинг «Роминя либерэ» газетаси.

Инсон қўли гул

ТОШЛАРДАГИ ҚЎШИҚ

Архитектор ва ҳайкалтарошлар ўз фикр ва мулоҳазаларини ҳақиқатга айлантириш ва инсонларга манзур этиш учун турли материаллардан фойдаланиб келганлар. Бу мураккаб, шарафли ишлар ҳамон давом этмоқда. Маълумки, бу ишлардаги ҳар қандай материал ўзига хос хоссаларга эга. Агар бронза санъат асарининг нозик деталларигача ишлов бериш имкониятини туғдириб, унинг нафис бўлишлигини ифода этолса, дарахт илдизлари афсонавий ҳайвонлар тимсолини ясаш имконини туғдиради. Рассомчиликда эса турли бўёқлар ёрдамида тонгнинг товусқанот бўлиб отиши ва кун ботиши манзараларини тасвир этса бўлади. Шулар қатори тошдан мағрур, нафис, гўзалликка бой, қайтарилмас даражада мафтункор шакллар барпо этиш мумкин бўлиб, ўхшаши йўқ фусункор «келинчак» — Тож Маҳалдек чиройли санъат обидаларини бунёд этиш мумкин.

Тошнинг бошқа санъат материалларидан яна бир фарқи шундаки, ундан ясалган асарлар мустаҳкам ва асрлар тазйиқига бардош бериб, ўзининг чиройли қиёфасини қариб ўзгартирмайди. Ҳозирги кунда Ленинграддаги Эрмитажда намойиш этилаётган қадимги юнон ҳайкалтарош усталари бунёд этган ва оқ мармардан кўплаб ишланган ажойиб шакллар фикримизга яққол мисол бўла олади. Улар 2 минг 500 йиллар давомида ер остида қолиб кетган бўлса ҳам, ўз гўзаллигини йўқотмай илгаригидек кишилар нигоҳини тортади ва санъатнинг гўзаллигига офарин айттиради.

Турли рангларда учрайдиган, пишиқ ва чиройли мармарлар ҳамма вақт турли халқлар томонидан юқори баҳоланиб, эъзозланган. Оқ мармардан ишланган санъат асарлари, айниқса аёл ҳайкаллари гўё порлаб, тириқдай жонланиб туради ва уларга беихтиёр суқланиб боқасиз. Мармарнинг турли рангларда товланиши улардан турли соҳаларда кенг фойдаланиш имконини яратган, бу хосса бўйича ҳеч қандай бошқа материал у билан тенглашолмайди. Ўнинг донадорлиги, ранг-баранглиги ва нисбатан осон силлиқланиши — жилоланиши ҳайкалтарошлик ва рассомчиликда кенг қўлланишининг асосий сабабчисидир.

Табиатда мармар ҳар турли рангларда учраса ҳам улар барибир бир хил мафтункор ва жозибадордир. Ҳайратда қоларли даражадаги сутдек оппоқ Италия ёки Ўзбекистондаги яшил рангларда товланадиган Ғазғон мармарларига боқсангиз баҳри-дилингиз очилади, уларнинг ер бағрида қандай пайдо бўлганлигини ўйлаб қоласиз. Ўз навбатида ойнадек акс эттирувчи Баҳмал қора мармарларидан ишланган санъат буюмлари бир томондан мотамни ёдга солса, иккинчи томондан мағрур ғолибликни эслатади. Ипаксимон яркирайдиган сарғиш мармарлар эса ўзининг жило бойлиги ва нафислиги билан алоҳида ўринда туради. Шуниси яна ажабланарлики, ҳар қандай ишлов берилган мармардан салқинлик анқиб туради. Шунинг учун бўлса керак, қадимда Япония ва Хитойда ясалган креслолар суянчиғи турли хил мармарлардан ишланганлиги бежиз эмас, албатта.

Мармарлар нисбатан қаттиқ бўлишига қарамай, уларга оддий арра, эгов, парма, кескичлар билан осонгина ишлов бериш мумкин. Охирги ишлов пемза билан ўтказилса мармар жилваланиб, чиройи яна ҳам очилади. Дунёда инсоннинг, айниқса аёлларнинг нозик қоматларини ифода этишда мармардан ўтадиган маъдан йўқ деса бўлади.

Кўҳна дунёда Эгей денгизидаги Парос оролининг бирдан-бир оқ мармарлари жаҳонда шуҳрат қозонган ва юқори баҳоланган. Уни ер остидан — шахтадан ёғ билан ёнадиган чироқлар ёруғида катта машаққатлар эвазига қазиб олинишининг ўзи ҳам бу оқ мармарнинг буюк аҳамиятидан дарак берар эди. Парос мармари оқ бўлса ҳам товланувчи тиниқ сарғиш бўлиб, духобага ўхшаш ялтироқликка эга бўлган.

Афина шаҳридан шимолий-шарққа томон мармарлардан ташкил топган Пентеликон тоғлари кўтарилади ва виқор билан салобат тўкиб туради. Худди ана шу оқ мармарлардан кўпдан-кўп қадимий ўлмас юнон санъат ёдгорликлари бунёд этилган.

Қадимий Римнинг шуҳрат топган, Италия шимолида жойлашган Каррар мармар конлари эрамиздан III аср олдин ишга туширилган бўлиб, ундан оламга машҳур санъат ёдгорликлари яратилди. Бунга, жумладан ҳозирда Эрмитажда намойиш этилаётган Геби аёл ҳайкалини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. XV аср охирлари ва XVI аср бошларида ижод этган италиялик деҳиал ҳайкалтарош — Микеланджело ўзининг машҳур ҳайкалларини Каррар мармаридан ишлаган.

Шуни айтиш керакки, тош санъати фақат мармар тоши билан чекланиб қолмай, замонлар ўтиши билан унинг қаторига «ўзи рангдор» тошлардан турли хил қимматбаҳо уй жиҳозлари, кийим-бош безаклари, заргарлик буюмлари ясаш ҳам катта санъат бўлиб қўшилади. Бу борада Ўрта Осиёда мармардан ясалган ҳайкалтарошлик, қабр тошлари ёки шоҳсупалар, лаган, косалар ишлашдан мустасно, қарийб ривож топмаган бўлса ҳам, қимматбаҳо жавоҳирлар асосида заргарлик санъати ўзига хос даражада тараққий этган. Бунга Ўрта Осиёда ва айниқса Ўзбекистондаги археологик қазилмалар шаксиз гувоҳлик беради.

Россияда тошкесарлик санъати XVII асрнинг ўрталаридан бошлаб тараққий эта бошлаган. Маълум бўлишича, Пётр I шу даврда Петергофдаги тегирмонни қуришга фармон беради. Бу тегирмон сув орқали ҳаракатга келиб, турли тошларга ишлов беришда қўл келган. Шу асосда 1726 йили Урал тоғларига рангдор ва жилвадор тошларни қидириб топиш учун махсус кишилар юборилади. Сўнг 1738 йиллардаёқ Екатеринбург (ҳозирги Свердловск) атрофидаги мармарларни қазиб олиш ва унга ишлов бериш бошланади. 1740 йилда эса Исеть дарёсининг тўғонига «силлиқлаш тегирмони» ўрнатилади. Шундай қилиб, XVIII асрнинг биринчи ярмида турли хил жозибадор тошлар — мармар, яшма, малахит, селенит ва бошқаларга ишлов берадиган икки марказ ташкил этилади. Бундан бир оз кейинроқ — 1886 йилга келиб Олтойда Кольван тошларни силлиқлаш ва уларга жило бериш фабрикаси ишга туширилади. Бу фабрика ўз навбатида Олтой яшмаларининг довруғини дунёга ёяди, яшмалардан қилинган буюмлар турли хил жаҳон санъат кўргазмаларида намойиш этилиб, кўпгина олий мукофотларга сазовор бўлган ва уларнинг усталарига катта шуҳрат келтирган.


Ҳозирги кунда шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, Ленинграддаги Давлат Эрмитажи — бу дунёда ягона ва ўхшаши йўқ рангдор қимматбаҳо жавоҳирлар масканидир. Бу музейда 500 дан ортиқ катта ҳажмдаги турли тошлардан ясалган ва ўз замонасининг қайтмас ёдгорликлари сақланмоқда. Бу ердаги малахит, яшма, орлен, жозибали брекчия, порфирлардан ясалган вазалар, косалар, стуллар, курсилар ва бошқа тош санъатининг турли намуналари олдида беихтиёр тўхтаб, ажабланмаган ва унинг усталарига тасаннолар айтмаган киши бўлмаса керак. Улар ҳаммаси шоҳасарлар ҳисобланса, унинг гултожиси — Ревневск яшмасидан Кольван усталари томонидан ясалган ваза десак янглишмаган бўлур эдик: бу вазанинг кенглиги — 506 сантиметр, баландлиги — 260 сантиметр, оғирлиги — 19 минг 200 килограмм. Бу яшма бўлаги 1829 йилдан бошлаб икки йил давомида тоғ бағридан кесиб олинган ва жойида хомаки тарашланган. 1843 йил бошларида ваза ниҳоят тайёр бўлган. Уни Петербургга юбориш учун минглаб одамлар, 120—160 тадан от ва ҳўкизлар иштирок этган. Бу вазанинг баҳоси ўз вақтида 30.284 кумуш сўмга тенг ҳисобланган. Бундан ташқари, малахитдан ясалган 200 дан ортиқ ваза ва бошқа буюмлар ҳам ўзининг кўз-кўз қилиб Эрмитаж санъатига чирой ва жозиба бағишлайди. Кези келганда шуни айтиш керакки, Урал малахитлари жилвагарликда ўхшаши йўқ тош ҳисобланиб, қадимий Россия тош усталари у билан катта шуҳрат қозонганлар ва 1830—1840 йилларни «малахит асри» дейиш даражасига кўтарганлар.

Замонавий тош санъатининг буюк ва дунёда ягона намунаси бўлиб 50 мингдан ортиқ турли жавоҳирлардан «ўзи рангдор» қимматбаҳо тошлардан, жумладан, 4 мингта ёқутдан чизилган Совет Иттифоқининг харитаси хизмат қила олади. Бу харита 1937 йили Париж, 1939 йили Нью-Йорк кўргазмаларида намойиш этилганда унинг олдида тўпланган кўплаб кишилар вақтлари ўтганини сезмай, катта завқ ва ўзига хос ажабланиш ҳислари билан томоша қилганлар, рақиблар эса ғараз ўтида куйганлар.

Инсон қўли гул, у тошларга гўзаллик қўшиғини битиб, буюк ақл-заковатини асрлардан асрларга оширади.

М. ЗОКИРОВ,
геология-минералогия фанлари доктори.







Илм-фан асосларини пухта ўрганаётган ёшлар ўқув йилининг якунланишига ва ёзги имтиҳонларга пухта тайёргарлик кўришмоқда. Шаҳримиздаги 59-ўрта мактабда машғулотлар кўргазмали ўқув қуролларн асосида яхши жиҳозланган, фан кабинетларида жонли ва қизиқарли тарзда олиб бориляпти.

СУРАТЛАРДА: [чапда] 9-синф ўқувчилари адабиёт бўйича дарсларга ҳозирлик кўришяпти; [юқорида] ўқувчилар пионервожатийлари билан ёзги таътилда амалга ошрадиган ишларни режалаштириб олмоқдалар.

Р. Альбеков фотолари.

Билимдонлар конкурси

Республикамизда ягона Тошкент паррандачилик техникумида ўтказилган «Билимдонлар конкурси» ишлаб чиқариш сирларини эгаллашда ўзига хос ажойиб мактаб бўлди. Конкурсда жюри қарорига биноан студентлар Ш. Қўлдошев, Ш. Эргашев, Ч. Шаропов, Б. Абдувоҳидов ва бошқалар Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан мукофотландилар.

Конкурсни ташкил этишда биология фанлари кандидати Л. А. Малина, ўқитувчи А. С. Мусаев, техникум комсомол комитети секретари Х. Ҳайдаров ташаббускор бўлдилар.

Ж. НАРЗИҚУЛОВ.

Янги клуб

Ўрта мактабларнинг юқори синфлари учун Тошкент Давлат университетининг рус филологияси факультетида «Ёш филолог» клуби ташкил этилди. Мазкур билим ўчоғида ҳозир кўпгина рус тили ва адабиёти мухлислари шуғулланмоқдалар.

Улар клуб машғулотлари орқали факультетдаги ўқув жараёнлари билан ҳам танишиб бормоқдалар. Шунингдек, рус филологиясининг бугунги ютуқлари бўйича ўқувчиларга тушунчалар берилмоқда.

Курс машғулотлари программаси икки йилга мўлжалланган. Унинг қатор темалари лекторий машғулотлари сифатида олиб борилади. Клуб аъзолари илмий докладлар билан ҳам чиқадилар. Уларнинг энг яхшилари клубнинг очиқ йиғилишларида муҳокама қилинади.

А. ҚОСИМОВ.

Тарбия ва таълим

Алло, бу «12-қават» телекўрсатувими?

Яқингача Москванинг қадимий Лефортово райони яқинида бутун бир архитектура ансамбли мавжуд эди. Унинг бунёдга келиш тарихи Петр I даврига бориб тақалардн. Афсуски, ҳозир бу бинодан асар ҳам қолмаган — У 1986 йили шу жойда янги магистраль қураётган қурувчилар томонидан таг-туги билан бузиб ташланган. Мазкур микрорайонда узоқ ўтмиш ёдгорликларидан фақат XVIII аср қурилмаси — пойтахт тарихий ва маданий меросини ҳимоя қилган ташаббускорлар матонатининг рамзи сифатида ярим харобага айланган савдогар Шербаков палаталаригина сақланган.

Ташаббускор ёшлар — студентлар, ўқувчилар, ишчилар, илмий-техник ва ижодий зиёлилардир. Ўтган йили июратни ихтиёрий равишда кеча-ю кундуз вахтада туриб қўриқлаганлар — айнан шу кишилардир.

Шу қиш кунларидан бирида «шербаковчилар» собиқ савдогар палаталарининг исътилмаган хоналарида йиғилдилар, мақсад — машҳур «12-қават»ёшлар телекўрсатувида иштирок этиш, ҳамда телевидение ёрдамида мамлакат жамоатчилиги эътиборини ўз микрорайонларидаги она-Ватанимиз тарихий ва маданий ёдгорликларн тимсолига, аждодларимиз анъаналарига жалб этиш эди. Телеэкранда йирик планда плакат пайдо бўлади. Унга «Эски Москва —ё шаҳарнинг 7 процентини ташкил этади. Уни асраб қолайлик!», деган шнор ёзилган.

«Шербаковчилар» билан телекўприк орқали боғланган Останкино студиясида ушбу проблемага бевосита алоқадор кўпгина кишилар йиғилди: Бутуниттифоқ тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамиятининг Москва шаҳар правленмеси аъзолари, манфаатдор министрликлар ва муассасалар, шунингдек пойтахтдаги янги автомагистраллар қурилишига алоқадор қурилиш ва лойиҳа ташкилотларининг масъул ходимлари, таниқли журналистлар, фан ва маданият арбоблари, ёзувчилар, шоирлар, таъмирловчилар...

Иштирокчиларнинг барчаси ғоявб бўлишга маҳкум этилган, инсоният тарихи ва маданияти, аждодлар маънавий меросининг рамзи бўлмиш Москванинг кўҳна ёдгорликларига нисбатан бефарқ қолмадилар. Қандай қилиб буларни сақлаб қолиш, йўқ бўлиб кетишн муқаррар бўлган қуруқ савлатли чала музейларга илиқ инсоний мулоқотга тўлиб-тошган янгича ҳаёт бахш этиш мумкин! Кўрсатувга ташриф буюрган кишилар телекўприк орқали ана шу ҳақда баҳслашдилар.

Баъзилар қадимги уйларни қайта тиклаш ва уларни Ёшлар турар жой кооперативига топширишни таклиф этдилар. Ўзгалар ушбу қурилишларнинг мутасаддилари ёшларнинг норасмий ташкилотлари бўлсинки, уларнинг аъзолари бегараз, ихтиёрий йўл билан бинони ремонт қилсинлар, кейин эҳтиёжга кўра қайта жиҳозлаб ўзига хос ёшлар клубига айлантирилсин, деб таъкидладилар. Яна бошқалар нодир уйларда ёшлар кафеси, театр-студиялар, кутубхона, кинотеатрлар ташкил этиш фикрини ўртага ташлашдн.

Муҳокама давомида 60-йилларда маълум қисми бузиб ташланиб, ўрнида замонавий проспект ташкил топган Арбатнинг аянчли тақдири эсга олинди.

Москвалик машҳур адиб Булат Окужава аччиқ алам ва надомат билан сўзга чиқиб, Арбатдаги болалик ва ўсмирлик йилларн ўтган ҳовлининг бульдозер билан хароб қилинганлигини ўрнини таъкидлаб ўтди. Ҳа, урушгача давр да яшаган ота-боболарнинг яхши анъаналари, шаҳарнинг жонли тарихи билан боғлиқ бебаҳо ёдгорликлар қисматига шу тариқа якун ясалди.

Студияда ҳам, зинада ҳам, палаталарда ҳам кишилар ўзаларнни турлича тутдилар. Муаммо айрим шахсларнн қалбларининг нозик жойигача ҳаяжонга солса, бошқаларнн хизмат манфаати қизиқтирардн. Шундай иштирокчилар ҳам бор эдики, улар юз бераётган воқеаларнн бефарқ, совуққонлик билан кузатишардн, бошқаларн эса экранда ўзнни кўз қилиш имкониятидан фойдаланиб қолишга интилардн. Баъзида шундай ҳам бўладики, «зина»нинг айрим қатнашувчиларн зеркниб қолдилар ёки ўзларнни мазкур жараёндан ажралиб қолгандек сездилар. Гоҳо [худди шу кўрсатувда юз берганн сингари] оқилона сўзлар янградн. Масалан, қизлардан бири Михаил Булгаковнинг эндиликда ётоқхонага айланган собиқ квартирасида ёзувчи жодн музейинн ташкил этиш керак, деган фикрнни ўртага ташладн. «Шербаковчилар»дан ўрнак олиб «зина» ҳам, Булат Окужава билан бирдам студия ҳам ана шундай музей ташкил этиш учун курашга тайёр эканликларини изҳор этдилар.

Мана шундай фикрлар кишн онгига сингади, ташаббусга айланади, бизнн ўраб турган борлиқни ўзгартирувчи амалий социал кучга тўпланади, руҳан бойитади. «12-қават» кўрсатувининг асосий мақсади ҳам ана шу.

Дарвоқе, кўрсатувнинг номи ҳақида. Останкинонинг айнан 12-қаватида СССР Марказий телевидениесининг кўрсатувлар бош редакцняси жойлашган. Шу ерда «12-қават» оммабоп ойлик телепрограммасининг ҳар бир кўрсатувн ўйлаб чиқилади ва ёзиб олишга тайёрланади. Қисқа интервьюга розн бўлган кўрсатувнинг доимий олиб боручиси, бош редактори, ВЛКСМ Марказий Комитети аъзолигига кандндат Эдуард Сагалаевнинг хонаси ҳам шу ерда.

— Эдуард Михайлович, «зина» телепрограммангиздаги кишиларнинг роли нимадан иборат?

— «Зина» — бу бизнинг фикрнмизча, ўзнинг ҳаётдаги ўрнини топишга интилаётган, мулоқотга эҳтиёж сезаётган ёшн 15—18 атрофидаги ёшларнинг социологик моделидир. Бу йигит-қизлар келгуси кўрсатувнинг ғоясини олдиндан кўра биладилар ва «зина»га маълум кайфиятда ўзнни ифода этиш, муҳокама мавзуи миқёсида ўз мавқеларнни англаб олиш учун келадилар.

— Қандай қилиб Сиз телепрограммани олиб борувчи бўлиб қолдингиз?

— Ўз-ўзидан. Аввалига у информацион-кўнгил очувчи программа сифатида режалаштирилган бўлиб, унн «Балли, қизлар!», «КВН», «Вираж» каби оммабоп программаларнн олиб боришда яхши танилган, редакциямиз шарҳловчиси Александр Масляков олиб борди. Сўнгги вақтларда «12-қават»нинг проблемали-публицистик программага ўсиб ўтгани равшан бўлди. Шу боис янги программанн бошқарувчи бошқа одамни тайинлаш эҳтиёжи туғилди. Албатта, кимдир «капитан ўрни»га кўтарилиши лозим эди ва кўрсатувлардан бирнни ёзиб олиш чоғида мен шу ўринни эгалладим. Чамаси ёшларнн тарбиялаш проблемаси, уларни актив ижтимоий фаолиятга жалб этиш менга илгарндан яқиндек туюлди. Менда ёшлар муҳитидаги социологик жараёнларга, комсомол ишнн қайта қуришга, ёшларни тарбиялашнинг янги педагогик методларига, ҳозирги йигит ва қизларнинг социал активлигинн ошириш масаласига қизиқиш бор... Яширмайман, ушбу ролни олишим билан ташвишлар кўпайди, очиқчасига айтилса, «12-қават»даги катта ижтндорли талаблар ҳамда психологик ва жисмоний қийинчиликларга қарамасдан мен бу программада иштирок этиб маънавий қониқиш ҳосил қиламан.

— Бундай мураккаб телепрограммани олиб боришда Сиз учун энг қийин нарса нима?

— Суҳбатдошнинг гапини бўлиш қийин, ҳатто у кўрсатув қатнашчиларнни бехуда сафсатабозликка чалғитаётган ва у шунга лойиқ ҳолларда ҳам. Шу онларда телемуҳокама иштирокчиларн бепгиланган йўналишдан оғиб кетмаслиги, муайян кўрсатув мавзуи чегарасидан чиқиб кетмаслиги учун ўзнигнн ўзнинг мажбур қиласан...

Биламан, кўрсатув ёзиб олингандан сўнг уни олиб борган кишнинг юраги оғрийди, соч-ларида оқ толалар янада кўпаяди... Лекин расмиятчилик, қоғозбозлик, ҳаётга бефарқ, юзаки муносабатнинг рақибларн ҳам кўпаяди.

Александр БОНДАРЕНКО.
АПН.

Ажойиботлар оламида

Ганнибаллар авлодидан

Симферополлик инженер Л. А. Норден Александр Сергеевич Пушкин уруғидан эканлигини хаёлига ҳам келтирмаганди. Тадқиқотчи А. М. Бессонова бу фактни илмий асосда исбот қилиб берди. У шоирнинг бобокалони, Петрнинг машҳур «араби»—А. П. Ганнибал шажарасини кўп йиллар ўрганиб, унинг жаҳонннг турли мамлакатларида яшаётган олти юзга яқин авлоди борлигини аниқлади.

Лекин уларнинг ичидан ўз аждоди—Ҳабашистон князининг ўғли тарихини биладиганлари оз. Ўша ўғил турк султони саройида тарбияланган ва XVIII асрнинг бошларида Константинополдан Россияга олиб кетилган эди. У подшо Петр ҳузурида ўн йилдан кўпроқ камердинер, хизматкор ва секретарь бўлиб ишлаган ва кейин ҳарбий инженерликка ўқигани чет элга кетган. Унинг ўғли — О. А. Ганнибал буюк рус шоирининг бобоси бўлган.

Норденларни Пушкин билан қариндошлик тарихи эса ўтган асрнинг ўрталарига бориб тақалади. Ўшанда аждодларнинг бири — врач А. Г. Норден шоирнинг холаваччасига уйланган. Уларнинг ўғиллари Владимир ва Андрей юрист бўлишган. Л. А. Норденнинг ўзи мана 30 йилдан бери автопассажирлар ташувчи идорада хизмат қилиб келади. Унинг ўғли бўлса рентгенолог врач бўлиб етишди. Набиралари ким бўлиб етишаркин? Буни айтишга шошилмаймиз. Уларнинг каттаси Денис шу йил мактабга боради, кичиги Андрей атиги 3 ёшга кирган.

— Улар ким бўлиб етишмасин, аждодларга доғ туширмай, Ватанга ўшалар сингари садоқат билан хизмат қилишларига аминман, — дейди Л. А. Норден.

Л. РЯБЧИКОВ,
Симферополь.

Буни ҳамма билиши керак!

КАШАНДА—ЎЗ УМРИГА КУШАНДА



Мажнунтоллар — баҳор кўрки.

М. Нурнддинов фотоси.

Тамаки чекиш — киши соғлиғига жиддий путур етказадиган энг зарарли одатлардан бири. Тамаки чекиш нақадар зарарли бўлгани учун мамлакатимизда чекишга қарши қаратилган бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Авало шуни айтиш керакки, тамаки маҳсулотларини тарғиб қилиш, болаларга тамаки маҳсулотларини сотиш, жамоат жойларида ва транспортда чекиш тақиқланган.

Мен «Здоровье» журналида Хмельницкий шаҳрининг граждани В. Матеушнинг редакцияга йўллаган мактубини ўқигандим. У ўз мактубида «Союзпечать» киоскаларининг витриналарида «Здоровье» журнали билан ёнма-ён тамаки маҳсулотларини ҳам қўйиб реклама қилинганлигини, бу эса чекишга қарши қоидаларга зид эканлигини айтган.

Яна шу «Здоровье» журналида СССР Алоқа министрлигининг матбуот тарқатиш бошқармаси томонидан йўлланган мактубда, ҳозирги пайтда чекиш асоратидан мамлакатимиз аҳолисининг соғлиғига етказилаётган катта зарарларни ҳисобга олиб, бундан буён «Союзпечать» киоскаларида тамаки маҳсулотлари сотишни қисқартира бориб, пировардида бутунлай чекланиши айтилган. Ҳозирги пайтда эса умумий таълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари, олий таълим муассасалари қошидаги «Союзпечать» киоскаларида, шунингдек соғлиқни сақлаш муассасалари ҳузуридаги савдо точкаларида тамаки сотиш тақиқ этилган. Шунингдек, юқорида кўрсатилган муассасалар ҳузуридаги умумий овқатланиш корхоналарида ҳам тамаки сотиш ва чекиш ман этилади.

РСФСР Министрлар Советининг 1985 йил 25 сентябрдаги 415-қарорининг 9-«в» бандига биноан кўпчилик истиқомат қиладиган уйларнинг подъездларида, ҳовлиларда, зинапояларда чекиш тақиқланади. Кўрсатилган тартиб-қоидаларни риоя қилинмаган тақдирда қонидабузарларга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилади ва уларга 30 сўмгача жарима солинади.

СССР Министрлар Советининг 1986 йил 8 февралида чиқарилган 197-қарорига мувофиқ транспортларда (темир йўл, сув ва ҳаво транспортларида) кўрсатилган қоидаларни бузиб чекканлар маъмурий жазога тортилиши белгиланган, шунингдек, шаҳар атрофи поездларида, узоқ йўлга бораётган поездларнинг вагонлари ва тамбурларида чекиш мумкин эмаслиги кўрсатилган.

Мазкур қоидаларга негадир бизда риоя қилинмайди, ким, қаерда истаса ўша ерда чекаверади. Маҳаллий совет ва маъмурий ташкилотларимиз бу қоидаларни бизда ҳам тадбиқ этилишига бош қўшсалар айни муддао бўларди.

Шаҳримизнинг гўзаллигини, озодалигини сақлашда кашандачиликни камайтириш ҳам катта аҳамиятга эга. Аммо шаҳар айланиб қарасангиз, кўча-кўйларда кондитер, озиқ-овқат маҳсулотлари, ширинликлар сотилаётган жойларда ҳар хил маркадаги папирос ва сигаретлар сотилаётганлигига кўзингиз тушади. Масалан, мен ҳар куни Усмон Юсупов кўчаси орқали юраман. Шу кўчанинг уч-тўрт жойида ана шундай манзарани кўраман. Айниқса, Ишчилар шаҳарчасининг трамвай айланиш майдонида кўчада ташкил этилган озиқ-овқат ва бошқа емишлик маҳсулотлар билан бирга тамаки маҳсулотлари ҳам савдога қўйилган.

Шу жойларда ўрнатилган киоскалардан, лотоклардан, магазинлардан нон, ширинлик, кондитер маҳсулоти, журналлар, сақич сотиб олган, айниқса ўспиринлар чиройли қилиб териб қўйилган тамаки маҳсулотларини ҳам сотиб олишга ҳавас қилишмайдими, деган хулоса келиб чиқади, албатта.

Биз тамаки маҳсулотларини бундан кейин махсус магазинларда, спиртли ичимликлар сотиладиган жойларда сотилишини ва бора-бора унинг камайтирилишини истар эдик. Шу билан бирга, болалар кўп тўпланадиган ва қатнайдиган жойларда тамаки сотилиши ман этилишини хоҳлар эдик.

Мен «Тошкент оқшоми» газетасида чоп этилган «Қутичадаги кулранг дев» сарлавҳали мақолада тролейбус, транспорт ва ҳатто автобусларда йўловчилар, айниқса, ҳайдовчилар бемалол чекишларини кўриб ранжиганимни баён этган эдим.

Ҳаёт тажрибасидан маълумки, киши ҳар қанча кашанда бўлса ҳам, чекишдан қутилиши мумкин. Бунинг учун унда мустаҳкам ирода бўлиши ва чекишни ташлашга қатъий қарор қилиши керак. Мен ўзим 1926 йилдан чекишга одатланиб, ўттиз йилдан ортиқ кашандалик қилдим. Охирги пайтларда эса силлам қуриб, дардманд бўлдим. Ниҳоят врачнинг маслаҳати билан чекишни ташладим. Шундан бери 30 йилча вақт ўтди. Ҳозир 74 ёшдаман. Ўзимни бақувват, тетик ҳис этаман. Буни кашандаликни тарк этганимнинг шарофати деб биламан.

Хулоса шуки, кашандалик ёмон одат, саломатлик эгови, биз бундай одатни тарк этайлик, ёшларимизни жамиятимизнинг соғлом кишилари қилиб тарбиялайлик. Бу ишда тамаки маҳсулотларн сотишда мутасадди бўлган кишиларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлишини таъминлайлик.

Л. ҲАМРОЕВ,
СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

Ўқинг, қизиқ

БИР ЮЗ ОЛТМИШ ТЎРТ ЁШЛИ ҚЎЛЁЗМА

Фарғонада истиқомат қилувчи Солиҳон Сўпиева ўз оиласи архивидан қизиқарли катта бир китоб топиб олди. Бу шарқ шоирларининг асарларидан тузилган антология — қўлёзма баёз бўлиб чиқди. Китобнинг 348 саҳифасига 47 авторнинг асарлари кўчирилган. Улар орасида Ҳофиз, Бобур, Жомий, Фузулий, Бедил шеърлари бор. Улар чиройли ипак қоғозга жимжимадор қилиб настаълиқ, шикаста, нимшикаста араб шрифтлари билан горизонтал ва диагонал тартибда битилган.

Баёзнинг беш қисмдан иборат дастлабки бетларини безашда жуда кам учрайдиган усул: беш бетда шакл ва ўзига хослиги билан бир-биридан фарқ қиладиган композицион нақшли безак қўлланилган. Қўлёзманинг сўнггида китоб ҳижрий 1238 йил июлида (Григорян календари билан 1823 йил) Мирзо Муҳаммад Носирхон илтимоси билан хаттот Муҳаммад Салоҳиддин Суфуён томонидан ёзилгани қайд этилган.

Китоб машҳур қўқонлик шоир, маърифатпарвар ва олим Сулаймон Рожига тегишли бўлган. Кейин унинг қариндошларига мерос бўлиб қолган. Эндилликда китоб Фарғона Ғулом номидаги область адабиёт музейида сақланмоқда.

—Чиройли қилиб безатилган бу баёз, — дейди музей илмий ходими Х. Муҳаммадиев, —қимматбаҳо топилмадир.

В. ТАТАРИНОВ, ЎзТАГ мухбири.

Афтандил АДЕИШВИЛИ

ДИАГНОЗ

(ШИНГИЛ ҲАЖВИЯ)

— Ҳурматли доктор, Эрим тушида ашула айта бошлаганда мен чидадим. Ҳеч кимга арз қилганим йўқ. Шундан сўнг у хуррак тортишни ўрганди, шунда ҳам чидадим. Бу ҳақда сизларга арз қилмадим. Аммо тушида қарсак чала бошлагандан кейин, мени кечирасиз, чидай олмадим. Сизнинг олдингизга келдим. Сиздан ўтиниб сўрайман, бир иложини топиб, ёрдам беринг.

— Ҳм... Қизиқ. Хўш... айтинг-чи, бу воқеа қандай содир бўлмоқда?

— Мен ухладим дегунча тушимда қарсак товушларини эшитаман. Шундан сўнг уйғониб кетаман.

— Шундай денг?.. Уйғонган вақтингизда ҳам эрингиз қарсак чалишни давом эттираверадими?

— Йўў-ўқ... Нималар деяпсиз? У ўша заҳоти тўхтайди.

— Ҳа-а, ундай бўлса, эрингизни даволаш осон экан. Фақат бунинг учун сиз тушингизда нутқ сўзлашни ўрганишингиз керак.

Русчадан Б. АКБАРОВ таржимаси.



«Мен зўр шахматчи бўламан»
Н. Муҳаммаджонов фотоэтюди.

МУСОБАҚАЛАР ХРОНИКАСИ

СУВ ПОЛОСИ

СССР терма командаси Жаҳон кубоги мусобақалари олдидан тайёргарликларни тугаллади. Улар Марселда ўтган халқаро турнирда ғолиб чиқдилар.

Ярим финал учрашувида спортчиларимиз Венгрия ватерполочилари устидан ғалаба қозонишди, (10:8). Сўнгги учрашувда эса ГФР командасини худди шундай 10:8 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

ХОККЕЙ

Венада ниҳоясига етган жаҳон ва Европа биринчилиги лауреатлари маълум бўлди. ИИХФ директорати Жаҳон ва Европа чемпионатининг уч энг яхши ўйинчиларини аниқлади, булар: дарбозабон — Гашек (Чехословакия), ҳимоячи — Хартсбург (Канада), ҳужумчи — Крутов (СССР).

Анъанага кўра журналистлар жаҳоннинг рамзий терма командаси составини эълон қилишди. Дарвозабон — Гашек, ҳимоячилар — Кислинг (ФРГ), Фетисов (СССР), ҳужумчилар — Макаров (СССР), Трунчка (ФРГ), Крутов (СССР)лар бу терма команда составидан ўрин олишди.

ЭРКИН КУРАШ

Болгарияда эркин кураш бўйича Европа биринчилиги ниҳоясига етди. Бу биринчиликда совет спортчилари юксак маҳорат кўрсатишди. Улар бир неча бор ғолиблар шоҳсупасига кўтарилишди. Терма командамиз составида республикамиз курашчилари ҳам қатнашишди. Тошкентлик Арсен Фадзаев ва Махарбек Хадарцевлар ўз вазнларида ғолиб деб топилиб, биринчиликнинг олтин медалларига сазовор бўлишди.

Редактор Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 6/V да **Бир актли балетлар**, 7/V да **Масхарабозлар.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/V да **Ойна**, 7/V да **Парвона.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6/V да **Нурхон**, 7/V да **Шайтон ва муридлар.**

Кино

6 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«КИН-ДЗА-ДЗА» — **Санъат саройи** (16, 18.30, 20.40; телефон 44-21-44), **Чайка** (16, 21.00; телефон 77-06-20).

«ДЕНГИЗ ҚЎШИҒИ» — **Нукус** (18.00).

«ПИЛИГРИМ» КАПИТАНИ — **Нукус** (20, 21.30; телефон 46-70-69).

«ОСМОНДАН ТУШГАНЛАР» **Қозоғистон** (17.00; телефон 35-24-92).

«ИНЖЕНЕР ГАРИННИНГ ГИПЕРБОЛОИДИ» — **Москва** 20.40; телефон 33-05-01).

«ЯГУАР» — **Тошкент тининг 50 йиллиги** (жуфт соатларда, **М. Шайхзода номли** (тоқ соатларда).

«ТАВБА-ТАЗАРРУ» — **Восток** (16, 18.30, 21.00).

«ТАЛВАСА» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (18.30).

«ЎЗ КЎЗИНГ БИЛАН КЎР» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (21.00).

«ЗОЛТАН КАРПАТИНИНГ ТАҚДИРИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

«МЕРСЕДЕС»ДАГИ КИШИНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИ» — **Фестиваль** (21.20)

«ВОНГ ХОНИМНИНГ СИРЛАРИ» — **Хива** (21.20).

«БОРИС ГОДУНОВ» — **Санъат саройи** (кичик зал, 17, 19.30; телефон 44-21-44, 44-21-34).

7 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«КИН-ДЗА-ДЗА» — **Санъат саройи** (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 20.40; телефон 44-21-44), **Чайка** (13.30, 16.00, 21.00; телефон 77-06-20).

«ОХИРГИ ВАГОНГА КИМ ЧИҚАДИ?» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ХАТАР АЛОМАТИ» —**Фестиваль** (21.20).

«ОСМОНДАН ТУШГАНЛАР» — **Қозоғистон** (11.00, 13.00, 17.00; телефон 35-24-92).

«ИНЖЕНЕР ГАРИННИНГ ГИПЕРБОЛОИДИ» — **Москва** (13.00, 15.00, 20.40; телефон 33-05-01).

«ЯГУАР»— **Тошкент Советининг 50 йиллиги** (жуфт соатларда, **М. Шайхзода номли** (тоқ соатларда).

«ТАВБА-ТАЗАРРУ»— **Восток** (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 21.00).

«ТАЛВАСА»— **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (13.30, 18.30).

«ЎЗ КЎЗИНГ БИЛАН КЎР» —**Ўзбекистон ССР 25 йиллиги** (11.00, 16.00, 21.00).

«ЗОЛТАН КАРПАТИНИНГ ТАҚДИРИ»— **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

«МЕРСЕДЕС»ДАГИ КИШИНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИ»— **Фестиваль** (21.20).

«ВОНГ ХОНИМНИНГ СИРЛАРИ»— **Хива** (21.20).

«БОРИС ГОДУНОВ»— **Санъат саройи**— (кичик зал, 12.00, 14.30, 17.00, 19.30; телефонлар: 44-21-44, 44-21-34).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «ЙИРТҚИЧЛАР ОРАСИДА» **аттракционнинг хайрлашув гастролларн** (6, 7/V да 19.30 да).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР = РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТУРИСТ

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва меҳнат ветеранларини

8-12 МАЙ КУНЛАРИ

ЛЕНИНГРАД ШАҲРИГА МАХСУС РЕЙСДА

САЁҲАТГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ПУТЕВКАНИНГ ТАХМИНИЙ БАҲОСИ — 250 СЎМ.

Самолётда бориш ва қайтиш, овқатланиш, жойлашиш, экскурсия хизмати кўрсатиш харажатлари путёвка қийматига киради.

Ҳамма масалалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, 78-алоқа бўлими, Намойишлар хиёбони, 5-уй.

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ

10 май соат 10.00 да

ФИЗИКА БЎЙИЧА ОЛИМПИАДА ЎТКАЗАДИ

ОЛИМПИАДАГА ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ОБЛАСТИДАГИ МАКТАБЛАРНИНГ 9—10 СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 20-уй ТАДИ «Б» корпуси («Санъат музейи» бекати) «Физика» кафедраси' 551-аудитория, Телефон 56-13-88.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тантанали мажлис, дам олиш кечалари, пионер гулханлари, спорт мусобақаларн ва бошқа оммавий тадбирларда духовой оркестр жўрлигида музика хизмати кўрсатиш учун

35-07-61 ТЕЛЕФОН НОМЕРИ БЎЙИЧА

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг дам олиш зонаси.

Ўрта Осиё медицина педнатрия институти қошидаги

МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

1987—88 ўқув йили учун кундузги бўлимга

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ БОЛАЛАР ДАВОЛАШ МУАССАСАЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН МЕДИЦИНА ҲАМШИРАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИ.

Аризалар — Тошкент шаҳрида яшаб турувчи, 10-синф ҳажмида маълумотли йигит ва қизлардан (ёши 30 дан ошмаган) **14 августгача қабул қилинади.**

Ўқиш муддати — 1 йилу 10 ой.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: директор номига ариза, ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), медицина справкаси (086/У форма), меҳнат дафтарчасидан кўчирма, корхоналар, қурилишлар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан ўқишга командировка қилинганлар учун ягона формадаги йўлланма, 4 дона фотосурат (3х4 см).

Билим юртига кирувчилар 1—21 август кунлари рус тили ва адабиётидан (иншо), **миллий мактабларни битирганлар— диктант** (ёки баён) **ва химия** (оғзаки)**дан кириш имтиҳонлари топширадилар.**

ЎҚИШ РУС ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Киров райони, ТашГРЭС микрорайони, Чермет кўчаси, 103-уй (САМПИнинг янги территорияси).

Совғалар, совғалар...

ЦУМНИНГ САВДО СЕКЦИЯЛАРИДА ЖЕЗДАН ТАЙЁРЛАНГАН СОВҒА БУЮМЛАРИ, БИЛЛУР ВАЗАЛАР, СОАТЛАР, АТИРЛАР СОТИЛМОҚДА.



СОВҒА БУЮМЛАРИГА ЭЪТИБОР БЕРИНГ.

ГУЛДОНЛАР, ҲЎЛ МЕВА ҚЎЙИЛАДИГАН ВАЗАЛАР, ЧИРОЙЛИ ШАМДОНЛАР, КОФЕ ВА ЧОЙ ТЕРМАЛАРИ ШУЛАР ЖУМЛАСИДАН.

УЛАР ҚАДИМИЙ ҲИНД ҲУНАРМАНДЧИЛ И Г И АНЪАНАЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНГАН.

ЦУМНИНГ 1-ҚАВАТИДАН—БИЛЛУР БУЮМЛАРНИ, СОАТЛАРНИ, БАРЧА ҚАВАТЛАРДАН АТИРЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.

ЦУМ (телефон 56-77-91).

Макулатура топширувчи гражданлар диққатига!

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИДА АБОНЕМЕНТЛАР БЕРИЛАДИГАН КУНЛАРДА

ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРГА АБОНЕМЕНТЛАР ТАРҚАТИЛАДИ:

Ю. СЕМЕНОВ. «СЕМНАДЦАТЬ МГНОВЕНИЙ ВЕСНИ», «БОМБА ДЛЯ ГОСПОДИНА ПРЕДСЕДАТЕЛЯ».

8-МАЙДА ҳар бир қабул пунктида 100 тадан ва 10-МАЙДА 200 тадан абонемент тарқатилади.

Р. СТИВЕНСОН. «ВЛАДЕТЕЛЬ БАЛЛАНТРЭ»;

15-МАЙДА ҳар бир қабул пунктида 75 тадан, 16 ва 17-МАЙДА 170 тадан абонемент тарқатилади.

А. ЛАДИНСКИЙ. «КОГДА ПАЛ ХЕРСОНЕС...»;

Ҳар бир қабул пунктида 22-МАЙДА 50 тадан, 24 ва 28 МАЙДА 150 тадан абонемент тарқатилади.

Ю. Семёновнинг «СЕМНАДЦАТЬ МГНОВЕНИЙ ВЕСНИ», «БОМБА ДЛЯ ГОСПОДИНА ПРЕДСЕДАТЕЛЯ» китобларига абонементлар фақат бир йўла 15 килограмм макулатура ёки 3 килограмм латта-путта топширгандан кейингина берилади.

Р. Стивенсоннинг «ВЛАДЕТЕЛЬ БАЛЛАНТРЭ» китобига ва А. Ладинскийнинг «КОГДА ПАЛ ХЕРСОНЕС...» китобига абонементлар бир йўла 10 килограммдан кам бўлмаган миқдорда макулатура топширгандан кейингина берилади.

АБОНЕМЕНТ 20 КИЛОГРАММ МАКУЛАТУРА ТОПШИРГАНДАН КЕЙИН УНДА КЎРСАТИЛГАН КИТОБНИ ХАРИД ҚИЛИШ КАФОЛАТИНИ БЕРАДИ.

Марқалар учун макулатуралар фақат абонемент кўрсатилгандан кейингина қабул қилинади.

«СЕМНАДЦАТЬ МГНОВЕНИЙ ВЕСНИ», «БОМБА ДЛЯ ГОСПОДИНА ПРЕДСЕДАТЕЛЯ» китобларига берилган абонементлар мазкур китоблар китоб савдоси тармоқларига келиб тушгани ҳақидаги эълон босилиб чиққан кундан бошлаб 3 ой мобайнида ўз кучини сақлайди.

Абонементлар жума куни — соат 18.00 дан, шанба ва якшанба кунлари — соат 9.00 дан бошлаб тарқатилади.

Ҳафтанинг қолган кунлари эса, макулатуралар абонементлар учун марқалар тўлиқ комплексини тўлдириш ва макулатура ҳамда иккиламчи хом ашёлар 52-01 прейскуранти нархларида ҳақ тўлаш учун чегараланмаган миқдорда қабул қилинади. Прейскурант нархлари: топширилган 1 килограмм макулатура учун 2 тийин, 1 килограмм ярим жун латта-путталар учун 16 тийин ва 1 килограмм ип-газлама, каноп латта-путталари ва қоплар учун 6 тийин.

Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларига навбатсиз хизмат кўрсатилади.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг 1981 йил 4 июндаги 354—Р қарорига кўра Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларига ҳар бир қабул пунктида тарқатиладиган жами абонементлар миқдорининг 20 проценти ҳажмида ажратиш нормаси белгиланган.

Макулатуралар уларнинг турига: газета, китоб-журнал, рўзғор картонлари ва ўров қоғозлари тарзида алоҳида-алоҳида фақат дасталаб боғланган ҳолда граждапларнинг қаерда яшаб туришларидан қатъий назар навбатда туриш тартибида қабул қилинади.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

Макулатуралар ва иккиламчи тўқнамачилик хом ашёларини абонементлар олиш учун қабул пункти— магазинларига фаол равишда топшириш зарур адабиётларнинг китоб савдоси тармоқларига тезроқ келиб тушишига имконият яратади.

Справкалар учун телефон: 48-04-93.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЙЁРЛОВ КОРХОНАСИ.

ДИҚҚАТ!

«Главташкентстрой»нинг

«ПРОМСТРОЙИНДУСТРИЯ» БИРЛАШМАСИ

Буюртмачининг материалидан чекланмаган миқдорда товар-бетон, йиғма бетон ва қуруқ қоришмалар тайёрлаб бериш учун

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Адрес: 700100, Тошкент шаҳри, ИТР кўчаси, 7-уй.

Ҳисоб-китоб счети 000289508 — Тошкент шаҳар Давлат банкининг Фрунзе район бўлими.

«Узагротрансспецстрой-2» трестининг норуда материалларини қайта ишлаш бўйича Джумуртау заводига берилган 101, 102, 103 номерли йўқолган

ИШОНЧ ҚОҒОЗЛАРИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЁШЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

ДАЛА САЙИЛИГА МОТОЦИКЛ, МОПЕД ЁКИ ВЕЛОСИПЕД ЖУДА ҚУЛАЙ

БАҲОР КУНЛАРИ ШАХСИЙ ТРАНСПОРТДА ШАҲАР ТАШҚАРИСИГА — ДАЛА САЙИРИГА ЧИҚИШ АЙНИҚСА КЎНГИЛЛИ!

БУНДАЙ ПАЙТДА АВТОМОБИЛИНГИЗ БЎЛМАСА ТАШВИШ ЧЕКМАНГ.

ЁШЛАР ТРАНСПОРТИ— МОТОЦИКЛ, МОПЕД, ВЕЛОСИПЕДДАН ФОЙДАЛАНИШИНГИЗ МУМКИН.

«УЗСПОРТТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДА

«ВОСХОД», «МИНСК», «ИЖ-ЮПИТЕР 4К» МОТОЦИКЛЛАРИ, «РИГА» МОПЕДЛАРИ, ВЕЛОСИПЕДЛАР

СОТИЛМОҚДА

САЙРГА ЧИҚИШ УЧУН РЮКЗАК, ПАЛАТКА, СПОРТ СУМКАСИ ҲАМ КЕРАК БЎЛИШИНИ УНУТМАНГ!

«УЗСПОРТТОРГ» РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО ИДОРАСИ (35-00-84).



«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

М. Қориёқубов номли ўзбек давлат концерт-филармония бирлашмаси

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

9, 10 МАЙ СОАТ 19.30 ДА

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг

70 йиллигига бағишлаб

ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ, ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ

Ғуломжон ЁҚУБОВ ИШТИРОКИДА

БАЙРАМ КОНЦЕРТЛАРИ

«БАҲОР» ТАРОНАЛАРИ

ЯНГИ АНСАМБЛЬ ПРОГРАММАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ, ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ

Дилафрўз ЖАББОРОВА

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассасида соат 14 дан сотилмоқда.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

1987 ИИЛ 7 МАЙДАН БОШЛАБ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИДА

ҒАЛАБА КУНИГА БАҒИШЛАБ

ТЕМАТИК ФИЛЬМЛАР НАМОЙИШИНИ ЎТКАЗАДИ

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«МОСКВА» КИНОТЕАТРИДА

7-8 майда — ШУНЧАЛАР ОЛИС ЯҚИН КУНЛАР.
9-10 майда — БЕГОЛАЛЬСК АФСОНАСИ.

«ҚОЗОҒИСТОН» КИНОТЕАТРИДА

7-8 майда — МАЙ ЮЛДУЗЛАРИ.
9-10 майда — БУ ҒАЛАБА КУНИ.

«ДРУЖБА» КИНОТЕАТРИДА

7-8 майда —ҚАҲРАМОНЛАРГА ШОН-ШАРАФЛАР.
9-10 майда — БУ ЯҚИНДА БЎЛГАН ЭДИ.

«ВЛКСМ 30 ЙИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИДА

7-8 майда — ПАРЛАМЕНТЕРЛАР.
9-10 майда — ЕРДА ҲАЁТНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ МАҚСАДИДА.

ЛИСУНОВ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА

7-8 майда — ОНА ЕДИ.
9-10 майда — ҒАЛАБАГАЧА ЎН ТЎҚҚИЗ ОЙ ҚОЛГАН ЭДИ.

«НУКУС» КИНОТЕАТРИДА

7-8 майда — «ЗНАМЕНОСЦИ ПОБЕДИ»ДАН БЎЛГАН АФСОНА ОДАМЛАР.
9-10 майда — ВАТАНГА ЖАНГОВАР ШОН-ШУҲРАТ.

«ФЕСТИВАЛЬ» КИНОТЕАТРИДА

7-8 майда — ВА АБАДИЙ ЖАНГ.
9-10 майда — БИР ФОТОСУРАТ ТАРИХИ.

«ЧАЙКА» КИНОТЕАТРИДА

7-8 майда — ТИНЧЛИК ЖАНГЧИСИ.
9-10 майда — 40 ЙИЛДАН СЎНГ.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ВЛКСМ 30 ЙИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИДА

6-7 майда — МУҲИТГА ҚАРАБ ҲАРАКАТ ҚИЛ!
8-9 майда — ОТРЯД.

ҲАМЗА НОМЛИ КИНОТЕАТРДА

6-7 майда — ЙЎЛЛАРДАГИ СИНОВ.
8-9 майда — МАРШАЛ ЖУКОВ.

К. ЕРМАТОВ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА

9-майда — УЧ КИШИДАН БИРИ.

«ВОСТОК» КИНОТЕАТРИДА

9 майда — МЕРОС.

«ВАТАН» КИНОТЕАТРИДА

7-8 майда — МОТАМ КУЙИ ОСТИДА.
9-10 майда — ВАТАН ЖАНГЧИСИ.

«ЗВЕЗДА ВОСТОКА» КЛУБИДА

6-7 майда — «ЖАННАТ»ДАН ИККИ ҚАДАМ НАРИДА.
8-10 майда — ОНА, МЕН ТИРИКМАН.

Тошкент шаҳар маҳаллий саноат бошқармасининг

ОКТЯБРЬ 50 ЙИЛЛИГИ НОМИДАГИ ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

нархи 1 сўм 05 тийинлик иш қўлқопларини чекланмаган миқдорда

пўл ўтказиш йўли билан

СОТАДИ

Мурожаат учун адрес: 700102, Тошкент шаҳар, Спутник посёлкаси, Ц-3 квартали. Телефонлар 58-39-12, 58-39-36.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 4-ихтисослашган трестнинг 364-кўчма механизациялашган колоннасининг 17-номерли йўқолган

ПРОРАБЛИК ШТАМПИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета ўзбек ва рус тилларида мустақил бир йилда 300 марта чиқади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08.74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58.85; фан ва ўқув юртлари — 32-53.10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55.32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар —33.29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33.99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56.84; эълонлар — 33-81-42.

Р. — 12734. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 21.00 да қўл қўйилган (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Тиражи — 75.131. Б. 2118. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10. Индекс 64690.